



ПОЕТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2005 йил 26 май, пайшанба • 21 (3602)-сон

«Баркамол авлод – 2005»

Чирчиқ шаҳрида академик лицейлар ва коллеж ўқувчилари ўртасида республика миқёсида ўтказилган анъанавий «Баркамол авлод – 2005» спорт ўйинларига старт берилди.

Спорт анжуманини Тошкент вилояти ҳоқими К. Тўлаганов кириш сўзи билан очаркан, спортнинг ёшлар ўртасида тутган ўрни, уларни жисмонан етук, ҳар томонлама баркамол, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди. Чирчиқ шаҳрининг салоҳиятига ҳам алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов юртбошимизнинг самимий табригини ўқиб эшиттирди. Анъанавий машъала ёқилгач, байрам тантаналари бошланди.

Республикаимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган уч минг нафарга яқин ёш спортчиларни белгиланган манзилга етказиш, ўйингоҳларга олиб бориш, тадбир давомида жамоат тартибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вилоят ИИБ шахсий таркиби томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирда бошқармада махсус штаб фаолият юритяпти. Ёш спортчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, мусобақа ўтаётган жойларда барқарор вазиятни сақлаш, тартиббузарлик, қоидабузарликларга йўл қўймаслик борасида барча чора-тадбирлар белгиланиб, ҳар бир ходимга тегишли йўриқлар берилган. Мавжуд куч ва воситалар пухта тақсимланган. Шунингдек, мусобақалар бошланишидан олдин вилоят бўйича чунончи, Чирчиқ шаҳрида тезкор тадбирлар ўтказилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Ходимларнинг юқори хизмат ва жанговар тайёргарлиги, хушёр ва сергаклиги мазкур спорт ўйинларининг муваффақиятли ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Суратларда: тадбирнинг очилишидан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.




СПОРТ – ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ



Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Тош олтин косани сундиргани билан тошнинг қадри ошмагай, олтиннинг қиймати тушмагай.



«Поетга» газетасининг иловаси
Учинчи ОЛАМ

HAYRATOMUZ VOQEALAR, BOLAJONLAR SAHIFASI, MUNAJJIMLAR BASHORATI, SKANVORD VA KROSSVORDLAR, HAJVIYA, XANDALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



3

АНДИЖОН ЁШЛАРИ ТАШАББУСИ



6

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

ортикча бармоққа ўхшайди, кесиб

ташсаланг

оғритади, кесмасанг

уялтиради

7

BIZNING ASKARLAR



18

ҲАЁТ – ЗҮР МУАЛЛИМ



23

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

УСТОЗ БИЛАН УЧРАШУВ

Республика ИИБ Академиясида “Оператив қидирув ҳуқуқи” кафедраси тингловчилари ва илмий тўғарак аъзоларининг узоқ йиллар ички ишлар идораларида, вазирлик тизимидаги ўқув масканларида самарали меҳнат қилиб, малакали мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган ҳурматли устоз, истеъфодаги генерал-майор Учқун Раҳимов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кафедра бошлиғи, полковник Б. Зокиров сўзга чиқиб, йиғилганларни истеъфодаги генерал-майор Учқун Содиқович Раҳимовнинг қисқача таржимаи ҳоли билан таништирди. Хусусан, бу инсон ички ишлар идораларининг куйи лавозимидан то ички ишлар вазиригача бўлган юксак ва машаққатли йўлни босиб ўтганлиги, устознинг меҳнатлари давлатимиз

томонидан бир неча марта орден ва медаллар билан тақдирланганлиги ҳақида гапирди.

Кафедранинг фахрий аъзоси бўлган Учқун Раҳимов ўз сўзида бугунги кунда ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ходимларни халққа яқинлаштириш, унинг ишончли ҳимоячисига айлантириш эканлигини таъкидлади. Тингловчиларнинг касбий,

жисмоний ва жанговор тайёргарлиги ва бошқа муҳим масалаларга бўлаётган эътибор келажакда ўз мевасини беришига умид билдирди.

Учрашув қатнашчилари устозга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Учқун Содиқович ҳозирги кунда ички ишлар ходимларининг маъсулияти янада ошганлиги, бунинг сабабларидан бири дунёнинг турли нуқталарида намоён бўлаётган терроризм балоси, эканлигини айтди. Андижон воқеалари ва у ерда ўнлаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилганини қоралаб, бу воқеаларда бир қанча ходимларимиз эл-юрт тинчлиги йўлида мардлик намуналарини кўрсатиб, жон фидо қилганликларини тилга олди.

Мирносир АСРАҚУЛОВ,
майор.

«Ғалла – 2005»

МАВСУМНИ
БЕТАЛОФАТ
ЎТКАЗАЙЛИК

Қашқадарё вилояти ИИБда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш даврида комбайнлар, қишлоқ хўжалиги техника-механизмлари, дон ташувчи транспорт воситаларининг техник ҳолати, сақланиши, мавсумга тайёргарлигини ўрганиш юзасидан режа-ишлаб чиқилди. Республика ИИБ томонидан тасдиқланган режа-топшириқ талаблари асосида тайёрланган режа бўйича вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Усмонов ҳузурда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ ЙХХБ, ЁХБ, “Вилдавтехназорат” ҳамда МТПБ ҳиссадорлик жамияти масъул ходимларидан иборат 15та назорат гуруҳи тузилди.

Гуруҳ аъзоларининг саъй – ҳаракати натижасида вилоятда ғалла ўрим-йиғими мавсумига тайёрланган 570 та комбайнлардан 487 таси, шунингдек 1010та автомобилнинг 897 таси, 1498 та трактор, 1731 та тиркама, 152та дон тозаловчи машина техник жиҳатдан соз деб топилди.

Мавсум олдидан ўтказилган дастлабки текширувлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этилиши ўрганилганда бу борада ҳам маълум ижобий ишлар қилинганлиги эътироф этилди.

Қарши туманидаги С. Раҳимов ширкат хўжалиги ҳисобида бўлган ва камчилиги топилган 26 та техник воситалар ҳам эндиликда мавсумга шайланиб, бирламчи ёнғин ўчириш жиҳозлари билан таъминланган. Хўжалик трактор саройи ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб беради. Ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Аммо вилоятдаги “Муборақдон”, “Баҳористондон”, “Айритомдон”, “Қамашидон” каби марказий дон қабул қилиш корхоналарида ёнғиннинг олдини олиш бўйича тайёргарлик ишлари ханузгача қониқарсиз аҳволда.

Жойлардаги ҳокимликлар текширув натижалари билан танишиб чиқдилар. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вилоятдаги барча ички ишлар идоралари бошлиқлари зиммасига ғалла ўрим-йиғимини беталофат ўтказиш мақсадида хизмат кўрсатаётган транспорт воситаларини назорат қилиш, ёнғинлар, шунингдек, ташмачиликларнинг олдини олиш, мавсумга жалб қилинган ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кеча-кундуз ишлайдиган назорат масканлари ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
лейтенант.

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ КАТТА

Хоразм вилояти ИИБ раҳбариятининг иш режасига биноан барча шаҳар ва туманларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, диний экстремизм ҳамда терроризмнинг олдини олиш бўйича учрашувлар, йиғилишлар ўтказилмоқда.

Тадбирларда шаҳар ва туман ИИБлари раҳбарлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари иштирок этмоқдалар. Улар корхона, ташкилот, маҳалла ва ўқув муассасаларида бўлишиб, жиноятчиликнинг олдини олиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлиги, бунда жамоатчиликнинг роли муҳим аҳамият касб этишини тушунтиришарди.

– Шу кунгача вилоятдаги 600 га яқин маҳалла, 250 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда ана шундай профилактик тадбирлар ўтказилди, – дейди вилоят ИИБ ҚООБ бошлиғи, полковник Шавкат Раззоқов. –

Ушбу мулоқотларда уюшган жиноятчиликка ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш, халқаро майдонда содир бўлаётган терроризм хуружидан огоҳ бўлиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Тадбирларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тўғараклар фаолиятини янада жонлантириш, маҳаллаларда ичкилик-бозлик ҳамда гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш муассасаларига жойлаштириш, содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни фуқароларнинг ўзини-ўзи



Суратда: Урганч шаҳар ИИБ ҚООБ профилактика инспектори, капитан Баҳром Раҳмонов Коммунал қурилиш касб-ҳунар коллежи талабалари билан суҳбатлашарди.

бошқариш органлари, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар кенгашлари ва жамоат тузилмалари фаол-

лари билан ҳамкорликда муҳокама қилиб бориш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Х. ЖАББОРОВ.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Жиззах вилоятининг Ўирзачўл туманида йигирмадан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Кўп йиллардан бери кўриқ ҳудудда меҳнат қилаётган аҳоли бир-бири билан иноқ яшарди. Асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган кишиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар ходимлари бор имкониятларни ишга солишарди.



Бу борада ички ишлар идоралари фахрийларининг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Истеъфодаги подполковник Кочарбой Назарбоев раҳбарлик қилаётган туман ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари маҳаллаларда профилактик ишларни олиб боришида ёрдам беришарди. Т. Абдиев, Ж. Тулегенов, Б. Элжонов каби кексаларни доимо аҳоли гавжум жойларда фуқаролар билан суҳбатлашиб турганида учратасиз.

Баҳодир Бегимқулов,
капитан.

Суратда: “Мустақиллик” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Абдуллаев (чапдан), маслаҳатчи Айжан Аристанова, истеъфодаги подполковник Кочарбой Назарбоев, профилактика инспектори, капитан Ширинбой Болиқулов ва маҳалла фаоли Ҳамидулла Қамбаровлар навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашарди.

Муаллиф олган сурат.

ТАЙЁРГАРЛИК
ПУХТА БЎЛСА

Ҳадемай бепойн ғаллазорларда комбайнлар наъраси янграйди. Машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олиш бошланади. Бу муҳим тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгандагина, мавсумни муваффақиятли ўтказиш мумкин. Ҳамма ерда бўлганидек, Сирдарё вилоятида ҳам ризқ-рўзимизни йиғиштириб олиш учун ҳозирлик кўришга алоҳида эътибор бериларди.

Айни кунларда вилоят ИИБ томонидан тузилган режа асосида муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёнғин хавфсизлиги ходимлари вилоятдаги барча дон қабул қилиш корхоналарини текширувдан ўтказмоқдалар. Элеваторлар, хирмонларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишиб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан юқори ташкилотларга ахборот бериларди, уларни бартараф этиш учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.


Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса эътиборлидир. Ўрим-йиғимда иштирок этадиган комбайн, машина, тракторлар мутахассислар томонидан тўлиқ текшириб чиқиларди. Мавсумда қатнашадиган транспорт воситаларининг давлат рақамлари вақтинча махсус тартиб рақамлар билан алмаштирилади. Бу усул шу билан афзалки ҳайдовчи иш вақтида бошқа юмушларга жалб этилмайди, иккинчидан ташмачилик ва ўғриликларга йўл қўйилмайди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва деҳқонлар ўртасида ташмачиликларга йўл қўймаслик учун профилактик ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳалла посбонларининг маъсулияти оширилиб, турли қоидабузарликлар рўй бермаслигининг олдини олиш юзасидан кўрсатмалар бериларди.

Мавсумга тайёргарлик ишлари вилоятнинг Оқолтин, Сирдарё, Сайхунобод, Боёвут туманларида айниқса пухта олиб борилмоқда.

Ўқтам БОЛТАБОВ,
подполковник.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



МАМЛАКАТ ҲАМОН НОТИНЧ

Деярли ҳар куни Ироқда бирорта кўпуровчилик содир этилади. Ҳатто баъзи кунлари тўрттагача портлаш юз беради. Утган куни Боғдод марказида мамлакат Бош вазирининг ёрдамчиси ўлдирилди. У хизмат автомобилида ишга кетаётганида номаълум кимсалар машинани автоматдан ўққа тутишди. Отишма чоғида амалдорнинг ҳайдовчиси ҳам ҳалок бўлди. Террорчилик ҳаракатини “Ал Қоида” ташкилотининг Ироқдаги бўлими ўз бўйнига олди. Интернетда ана шу мазмунда ахборот пайдо бўлди.



Яна бир суиқасд Туз-Хурмату шаҳрида содир этилди. “Курдистон ватанпарварлари иттифоқи” ташкилоти вакили, сиёсатчи Муҳаммад Маҳмуд Жигаретий тушган автомобиль ўтиб кетаётганида миналаштирилган машина портлаб кетди. Сиёсатчининг ўзига зарар етмади. Портлаш натижасида 5 киши ҳалок бўлди, 18 фуқаро турли даражада тан жароҳати олди. Ушбу ҳолат бўйича полиция суриштирув-қидирув ишларини олиб борапти.

Боғдод шимолида ҳам террорчилик ҳаракати қайд этилди. Пойтахт ресторанларидан бирининг ёнида кучли портлаш юз берди. Гувоҳларнинг айтишича, кўпуровчилик оқибатида ўнлаб одамлар жабрланган. Ҳозирча уларнинг сони аниқ эмас. Аммо портлаш арафасида воқеа жойида 50 дан зиёд киши бор эди.

Шу куннинг ўзида уч киши Ироқда жойлашган АҚШ ҳарбий базаларидан бирига хужум қилишди. Уларнинг икки нафари портловчи моддалар ўрнатилган автомобилни портлатиб юборишди. Учинчи жангари эса база яқинида отиб ташланди. Аммо у танасига ўрнатилган портловчи мосламани ҳаракатга келтириб улгурди. Шундан сўнг Ироқ хавфсизлик кучлари ва америкалик ҳарбий бўлинмалар база атрофини ўраб олишди.

Ҳозир Боғдодда исёнчи кучларни бостиришга қаратилган кенг қамровли операция ўтказилляпти. Эҳтимол, шу сабабли жангарилар фаоллашиб қолган бўлишлари мумкин.

РАЗИЛЛИК

Бу воқеа АҚШнинг Флорида штатида юз берди. Саккиз ёшли қизалоқни мўъжиза туфайлигина омон қолган дейиш мумкин. Қариндошлари унинг йўқолиб қолганлиги ҳақида полицияга хабар беришгач, орадан 7 соат ўтиб қизча ахлат қутиси ичидан топилди.

Икки полиция офицерининг ҳикоя қилишича, улар қидирув ишлари олиб боришаётганида пластик пакет ичидан нозиккина қўлча чиқиб турганини кўришади. Шундан сўнг ахлатларни титиб қизчани топиб олишди. Дарҳол мазкур иш билан шуғулланаётган изқуварни чақиришди. Аввалига ҳаммалари қизалоқ аллақачон ўлган деб ўйлашганди. Бир пайт қутилмаганда у кўлини қимирлатди. Зудлик билан етиб келган “Тез ёрдам” машинаси жабрдийдани касалхонага олиб кетди. Шифокорнинг айтишича, ҳозирда қизалоқнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Жабрдийдани зўрлаганликда ва ўлдиришга уринганликда гумонланиб 17 ёшли Миларго Каннингем қўлга олинган. У илгари, мактабда ўқиб юрганида ҳам автобус деразасини синдиргани, ҳайдовчига тош отгани учун полиция идорасига келтирилган эди. Миларго аввалига полициячиларни алдамоқчи бўлди, аммо қизча тирикчилигини эшитиб айбини бўйнига олди.

ЧЕГАРА МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Россия Федерацияси Давлат Думаси Россия-Хитой чегараси тўғрисидаги қўшимча битимни тасдиқлади. Энди унга кўра Узоқ Шарқ дарёларидаги учта орол Хитойга ўтади. Улардан бири Хабаровскка яқин жойлашган. Чегара чизиги дарё бўйлаб ҳам, қуруқлик бўйлаб ҳам ўтади. Энди битимни Федерация Кенгаши аъзолари муҳокама қилишади. Юқори палата ҳам тасдиқлагач, битим кучга киради. Шундан сўнг Хитой янги ҳудудларининг қонуний эгасига айланади.

ДЎҚ-ПЎПИСАДАН НАРИГА ЎТИШМАСИН

Шимолий Корея яқинда ўзининг ядро куралига эга эканлигини эълон қилгач, АҚШ билан муносабатлари янаям совуқлашди. Шимолий Корея ҳукумати га қарашли газета жумладан шундай ёзади:

“Америка тушуниб етиши керакки, превентив зарба бериш ҳуқуқига биргина у эга эмас. Биз кучга қарши куч ишлатамиз. Бу бизнинг қатъий позициямиз”.

Аммо АҚШ бундай баёнотлардан унчалик қўрқмаяпти.



Бундан бир ойлар бурун америкалик махсус хизмат ходимлари КХДР яқин бир йил ичида АҚШ ҳудудига ракета зарбалари бера олмайди. Чунки мазкур мамлакат мутахассислари қитъалараро ракеталарга ядро заряди каллақларини ўрната олишмади”, – деганди. Америкаликларнинг фикрича, КХДР бир нечта қитъалараро ракета ва камида битта ядро бомбасига эга.

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

Филиппинда уч киши 13 йўловчи бўлган автобусни гаровга олишди. Воқеа куйидагича юз берди: полициячилар Пларедаль шаҳридаги назорат-ўтказиш пунктида автобусни текшириш учун тўхтади. Кутилмаганда уч киши курулларини ўқалиб, барча йўловчиларни гаровга олишди, ҳуқуқ-тартибот ходимларига бўйсунушдан бош тортишди.



Кейинроқ автобус полиция кучлари томонидан қуршаб олинди. Босқинчилар яширишлари учун бошқа транспорт воситаси берилишини талаб қилишди. Беш соат давом этган музокаралар натижасиз тугади. Ҳозирда жиноятчилар гаровдагилардан фақат олти ёшли қизалоқнигина озод қилишди ва ҳайдовчи алмаштирилишига рози бўлишди, холос.

КИНОТЕАТРЛАРДАГИ «ТОМОШАЛАР»

Якшанба куни Деҳлидаги иккита кинотеатрда портлашлар содир этилди. “Либерти” кинотеатрида кўпуровчилик соат 18.00да юз берди. Орадан 10 дақиқа ўтиб “Сатъям”да ҳам портлаш овози янгради. Биринчи портловчи қурилма томоша залида, иккинчиси ҳожатхонада ўрнатилган эди.

Тахминларга қараганда, камида 50 киши ўлган ёки жараланган. Кўпуровчилик чоғида одатда Жамми ва Кашмир айирмачилари кенг қўллайдиган пластик бомбадан фойдаланилган. Аммо, ҳойнаҳой, юқоридаги портлашлар сикх диний экстремистларининг иши бўлса керак. Чунки улар ҳар икки кинотеатрда бир вақтнинг ўзида – портлашлар юз берган пайтда намоиш этилаётган фильмга қарши эдилар. Уларнинг фикрича, мазкур фильмда диний қадриятлар кулгу остига олинувчи лавҳалар бор.

Энди бутун мамлакат бўйлаб ушбу фильм намоиши тўхтатиб қўйилса керак. Бу ҳақида Мумбай штатида узулкесил қарорга келинди. Аҳоли ўта зич яшайдиган Уттар-Прадеш штати маъмурияти ҳам шу фикрга мойилроқ.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Йўл хатарга тўла. Баъзан арзимас эҳтиётсизлик ҳам оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Утган куни Дублин яқинида ичида 50 дан зиёд йўловчи бўлган мактаб автобуси иккита автомобиль билан тўқнашиб кетди. Натижада ағдарилиб, йўл четига қулади. Болалар бир соат мобайнида автобус ичидан чиқа олишмади. Авария туфайли 13-16 ёш оралигидаги 5 ўқувчи вафот этди. 50 йўловчи тан жароҳат олди. Улардан 6 нафарининг аҳволи оғир.

Барча жабрланганлар вертолётларда ва “Тез ёрдам” машиналарида яқин атрофдаги касалхоналарга етказилди. Ҳозирча йўл-транспорт ҳодисасининг сабаблари аниқ эмас. Полициянинг фикрича, бунга кучли ёмғир ҳам сабаб бўлганлиги эҳтимоли бор. Ирландия Президенти Мэри Макалис марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Россиянинг Перм вилоятида ҳам авария юз берди. “ЛАЗ” русумли автобус тормози ишламай қолганлиги туфайли беш нафар пиёдани уриб кетиб, дарахтга урилди.

ЙТХ оқибатида автобус ҳайдовчиси ва тўрт пиёда ҳалок бўлишди. Бир пиёда ва автобусдаги икки йўловчи касалхонага ётқизилди.

ЎЗЛАРИ ҚАЗИГАН ЧОҲГА...

Шимолий Кавказдаги аксилтеррор операцияларини бошқариш бўйича Минтақавий тезкор штаб вакили шундай ҳикоя қилади: “21 май куни Шатой тумани маҳаллий аҳолисидан яқин атрофда жангарилар базаси борлиги ҳақида маълумот олинди. Тахмин қилинган ҳудуд томонга федерал кучлар махсус бўлинмаси юборилди. Ҳудудни ўраб олиш чоғида разведка гуруҳларидан бирининг ҳарбий хизматчилари кучли портлаш овозини эшитишди.

Орадан тахминан икки соатлар ўтгач жангарилар гуруҳининг макони топилди. Бу ерда 5-7 кишининг тана қолдиқлари бор эди. Разведкачиларнинг тахминига кўра, жангарилар кучли портловчи қурилма тайёрлаётган пайтлари қандайдир хатога йўл қўйишган. Қўлбола портловчи қурилма ичига тротил ва зарар етказувчи элементлар: михлар, болтлар ва гайкалар солинган металл челақдан иборат бўлган. Унинг кучи тротил эквивалентида 7-10 килограммни ташкил этган. Воқеа жойидан шунингдек 3 та АК-74 автомати, вайрон бўлган ертўладан эса 18 та граната, ўқ-дорилар, озиқ-овқатлар ва турли анжомлар топилди”.



Маърифат дарси

Юсуф Хос Ҳожиб Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири Бола-соғунда таваллуд топган. Унинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот бизгача етиб келмаган. У ўзининг 1069-1070 йилларда ёзган "Қутадғу билиг" ("Саодатга бошловчи билим") достони билан бутун дунёга маълум бўлган мутафаккирдир.

"Қутадғу билиг"да илм, маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-маънавий қадриятлар ҳақидаги кенг қамровли қарашлар ва таълимотлар ўз аксини топган. Бу таълимот мазмун-моҳияти асосини инсон муаммоси ташкил этади.

Унинг фикрича, инсоннинг улуғлиги ақл-идроқи, сўзлаш қобилияти, билими, укуви, ҳунарга эгаллигидир. Бу ҳислатлар унинг муҳтарамлигини ҳам таъминлайди. Шоир дейди:

**Баят кимки берса укуш, ўғ, билиг,
Укуш, эзгуликка узатти алиг.**

Яъни:
**Худо кимга укув, ақл-идроқ,
билим берса,
У кўп эзгуликлар қилишга
қўл узатади.**

"Қутадғу билиг"да инсон қадри унинг билимдонлигида эканлиги ҳақида бир ҳикмат мавжуд: "Одамзод наслининг улуғлиги-билимдан. У ақл-идроқ туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Укув-идроқ ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир. Билимни буюк бил, укувни улуғ, шу икков улуғлар кишини тулуғ." Зотан, фазони забт этишлар, кўкка парвозлар ҳам илм туфайлидир.

"Қутадғу билиг"да ақл ва заковат соҳиблари машъал, маърифат йўлини ёритувчи маёқ, деб талқин этилади. Муаллиф ҳукмдорларни, аҳли донишларни кадрлашга, ўзларини уларга яқин тутишга, ҳадялар бериб олимлар кўнглини шод ва хушнуд этишга даъват этади. Илмсиз кишиларни жоҳиллар, маърифатсизлар қаторида санайди. Бу ҳақда у "билимсиз кишилар бир мевасиз ёғоч, мевасиз ёғочни нима қилсин оч" – дейди.

Юсуф Хос Ҳожиб оламдаги турли эзгуликлар илм туфайли содир бўлади, билим кишини юксалтиради, унга улуғлик келтиради, билимли инсон тирикдир, билимсиз киши ўликдир, дейди. Жами ярамасликлар маърифатда покланади, тозаланади. Тугун тушган ҳар бир иш ҳам илм туфайли ечилади, ўз маромига етади. Укув-идроқли инсон ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам, яъни ҳамма ёқдан хабардор. У қочганга етади, учган ҳам унинг қўл остидан чиқиб кета олмайди.

Билимнинг Юсуф Хос Ҳожиб талқинидаги, инсон кадр-қимматини оширишдаги роли ва бебаҳо аҳамияти ҳозирги давр учун муҳим ва зарурдир. Чунончи, бетимсол бойлик бўлмиш билимнинг қадри шу даражада баландки, дейилади асарда, у дўзах ўтидан ҳам озод қилиши мумкин. Жаҳонда билимдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқ. Билимсизлик аслида киши учун ҳақоратдир. Ҳаттоки, билимсиз одам тўрға чиқиб ўтирса, уни тўр деб бўлмайди. Уни пойгадан ҳам пастроқ деб билиш керак. Аммо пойгада билимдон киши ўтирса, у жойни тўрдан ҳам аъло деб билиш лозим.

"Қутадғу билиг"да уқтирилишича, билим ва заковат – ўғирлаб бўлмайди-ган тенгсиз жаҳоҳидир. У соҳибини камбағал қилмайди. Киши билим билан юксалади, кадр-қиммат топади. Чунки, билим битмас туганмас бойлик. Донишманд бобокалонимизнинг кишининг маърифатлилиги, орифлиги унинг ўзида, кўзида, юзида, муомаласида, саъй-ҳаракатларида, бутун борлигида намоён бўлади деган таълимоти ибратлидир. Уфорни яширса ҳиди ошкор қилганидек, билимни сир тутиб бўлмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон ҳаётида со-

дир бўладиган барча ярамас ишлар билимсизлик, жаҳолат, нодонлик оқибати эканлигини таъкидлаб, одамларни илм-маърифат ва маънавиятга чақирган эди. У ўз таълимотида илм-фан ва маданиятни халқ манфаати йўлида хизмат қилдириш зарурлигини қайта-қайта уқтирган, жаҳолатга маърифатни қарши қўйган.

Муаллиф асарда кишиларни илм-маърифатли, заковатли бўлишга, тинмай илм олишга, илмни амалда татбиқ қилишга даъват этади. Дунёдаги жами эзгу ишлар билим туфайли бўлади, билим орқали ҳатто кўкка учиб ҳам йўл топилади, дейди. Юсуф Хос Ҳожиб илм-маърифат ва маънавиятга саодатнинг калити деб қарайди.

"Қутадғу билиг"да "Билимни буюк, укувни улуғ бил, бу иккиси танлаган бандасини улуғлайди", "Заковат қаерда бўлса, у улуғ бўлади, билим кимда бўлса, буюклик олади", "Заковатли уқади, билимли билади, билимли, заковатли тилакка етади" "Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади, дард даволанмаса киши бот ўлади" "Билим ўрганса, сўнг киши азиз бўлади", деган даъватлар, ўғитлар, афоризмлар истаганча топилади.

Достонда кишининг билимдонлиги унинг тили орқали намоён бўлиши ҳам айтиб ўтилган. Қайд этилишича, зако-

ват ва билимнинг очқичи тилдир. У тили қафасда ётган арслонга ўхшатиб, арслон қафасдан чиқиб кетгудай бўлса, дастлаб эгасининг бошига етишини эслатади. Шунинг учун ҳам бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлайди:

**Сўзингни қудазгил
башинг бармасун,
Тишингни қудазгил
тишинг синмасин.**

Яъни: Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, Тилиннга эҳтиёт бўл, тишини синмасин. "Билиб сўзласа, сўз донолик саналади, нодоннинг сўзи ўз бошини ейди", "Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади, кўп сўз бошни ерга эгади", "Инсон тугилади, ўлади, кўргин унинг сўзи қолади".

Инсон бу ёруғ дунёда фақат ебичи, мол-дунё тўплаш, бойлик орттириш учун яшамайди. Шахсий фойдасини кўзлаб, бошқаларга эзгулик қилмаслик, меҳр-мурувват, саховат кўрсатмаслик, нафс бандаси бўлиб қолиш инсоний фазилат эмас, балки энг катта қусурдир.

Миллати, жинси, диний эътиқоди, дунёқараши ва маънабидан, жамиятдаги мавқеи, касб-коридан қатъий назар одамзод ўз ҳаёти ва умрининг ҳар бир лаҳзасини фаннат биллиб, элим деб, юртим деб қуйиб, ёниб яшаши, керак. Инсон дунёда абадий эмас, бу дунёга келган ҳар қандай одам вақти соати етказ кетади. Инсон умрининг қиммати неча йил яшаганлиги билан эмас, қандай эзгу ишларни амалга оширганлиги, ҳаётда қолдирган изи билан белгиланади.

Яшашдан мақсад – яши ном қолдиришдир. Бунинг учун элу-юрт манфаати йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилиши, ростгўй, меҳр-мурувватли, илмли, одобли, саховатли, камтар, беозор бўлмоғи лозим. Агар инсон ўзини ҳақиқий одам қаторида санайдиган бўлса, унинг тутган иши, қилиш-қилмиши, гап-сўзи, феъл-атвори, хатти-ҳаракати, ички ва ташқи дунёси эзгулик билан йўғрилган бўлмоғи керак.

Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" асарини инсон эзгу ишлар билан гўзал ва улуғ саналишини мана бундай тас-

**Тирик охир ўлар қора ер кучиб,
Ном эзгу эса-чи, кетарму ўчиб?!**

**Икки хил ном қолар тилда бегумон,
Бири яхшилигу бириси ёмон.**

**Доно мақтов олар, нодончи сўкиш,
Ўзинг ўйла, сенга маъқул, қайси иш?!**

**Бири эзгу эрди-олди у дуо,
Эсиз бўлгани-чи, сўкиш беадо...**

**Киши эзгуликка ширин жон берар,
Бир эзгу жавоби ўн бўлиб борар.**

Халқимиз томонидан яратиб келинган ахлоқий-фалсафий таълимотларда эзгулик, яхшилиқнинг зиди, инкори бўлган ёмонлик категорияси маъно ва моҳияти масаласини ёритишга ҳам, кенг ўрин берилди. Асарда таъкидланишича, ёмонлик бамисоли илонга ўхшайди, у чақиш ҳатто ҳалок этиши ҳам мумкин. Бу илоннинг – ёмонликнинг ранги, кўриниши эгрилик, хасислик, бахиллик, бадхуллик, ёлгончилик, ноинсофлик, бемехрлик, беномуслик ва уятсизлик сингари салбий хусусиятларда зуҳур этади.

Агар жамиятда жоҳиллик, ҳаромлик, таъмағирлик, порахўрлик кенг илдиз отса одамлардан иймон-эътиқод йўқола бошлади, кут-барака кетади. Ёмон-

лик авж олган ва ёмонлар кўпайиб кетган мамлакатларда адолат бўлмайди, давлат ва сиёсат, маданият ва маънавият раванқ топмайди, халқнинг бошида тегирмон тоши айланади.

Марказий Осиё халқлари фалсафий таълимотларида яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, адолат ва адолатсизлик сингари категориялар ўзаро муносабатда ва айни пайтда бир-бирини инкор этувчи кўплаб сифатларда талқин этилади.

"Қутадғу билиг"да адолат, инсонпарварлик ҳақидаги таълимот марказий ўрин тутди. Юсуф Хос Ҳожиб бек (мамлакат бошлиги) эл-юртни гуллаб яшнатиш, халқни бойитиш, тўқ-фаровон қилиш, эзгуликка ном чиқариш учун нималар қилиши, қандай инсоний ҳислат ва фазилатларга эга бўлиш керак, деган саволни ўртага ташлаб, Ўғдулмиш номидан ўзи шундай жавоб берди: "Бек доно, ботир, шерюрак бўлиши керак. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши такозо этилади. Очқ юзлилик бекнинг яхши фазилатларидан бири... Бундан ташқари, бек эзгулик йўлида собит ва қомил сурмоғи, ақл-идроқ йўриқларини тутмоғи керак. Билим иш бошини белгиласа, идрокни юритиш барча юмушларни ўнглайди. Билим билан эл ёмон йўлдан асранади. Билимсиз кишининг қўли калта бўлади".

"Қутадғу-билиг"да одоб-ахлоқ, таълим-тарбия сингари долзарб масалаларга ҳам эътибор берилган. Муаллиф "Одамгарчилик, чин инсонийлик, ростгўйлик, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушфеъллик, хушмуомалалик, ширинсўзлилиқ, мулоимлик, ҳалоллик, эзгулик каби ҳислат ва фазилатларни ғайриинсонийлик, эгрилик, ёлгончилик, ноинсофлилик, фисқу-фужур, бемехрлик, бевафолик, бешафқатлик, мурувватсизлик, инсофсизлик, адолатсизлик, зулм, ишончсизлик, садоқатсизлик, номардлик, ҳимматсизлик, бетакаллуфлик, ҳурматсизлик, эҳтиромсизлик, нодонлик, жоҳиллик, ҳаромлик, ёмонлик каби салбий хусусиятлар билан муқо-яса қилади ва шу ҳислат, фазилатлардан келиб чиқадиган эзгу ишларни салбий хусусиятлар туфайли содир бўла-

диган оқибатларни ҳаётий мисоллар, ишончли далиллар билан исботлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, инсон ҳаётининг маъно ва мазмуни неча йил яшагани билан эмас, балки амалга оширган ишлари, эзгуликлари билан белгиланади. Эзгулик-инсон учун буюк саодат. Ҳаёти эзгулик билан ўтган инсоннинг умри боқийдир. Ёшлиқ ҳам, йигитлик ҳам абадий эмас, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Оламда не-не буюк зотлар, алломалар тугилмади, яшамади, барчаси келиб-кетди. Улар орасида фақат ҳаётини эзгулик ишларига бағишлаганларининг номларигина мангуга сақланиб қолади.

"Қутадғу билиг"да кишиларни эзгуликка даъват этадиган фалсафий фикр ва ғоялар сероб: "Қўлинг эл аро узун бўлса, сен ўз феъл-атворингни эзгу тут. Йигитлик мангу эмас, у тез кечади тириклик чоғи ҳам кўз очиб юмгунча ўчади. Ҳаёт тушдек гап. У яшиндек тез кўчади. Тирикликда жами эзгуликларини йиғмоқ керак. Улар кейинчалик егулик ва кийгулик бўлади. Кишиларнинг эзгуси бу ҳақда шундай деган:

"Бу нафас олувчи, яъни тирикжон, охир-оқибат ўлади. Ахир оламда туғулган одамзотнинг бири озроқ бошқа бири кўпроқ яшайди, сўнг, барибир, вафот этади. Лекин подшонинг ҳам, оддий одамнинг ҳам вафотидан кейин қоладиган нарсаси – номи бор. Агар сенга шу навбат жойи теккан бўлса, сен унга муносиб тарзда яшагин... Эзгуларнинг номи буюк бўлади, ёмонлар насиби эса, қарғиш ва сўкишдан бошқа нарса бўлмайди".

Асарда оламдаги энг улуғ фазилат эзгулик ва гўзал хулқ, деган ғоя устуворлик қилади. Таъкидланишича, одамларда эзгулик, ростлик, ҳаё сингари мана шу уч фазилат бирлашса, киши бахтиёр бўлади, кут-иқбол унинг ҳузурига бош уриб келади. Чунки, кимнинг хулқи гўзал бўлса, уни барча севади. Хулқи соз бўлган одамга доимо тўрдан жой тегади. Ҳаё ярамас ишлардан тияди. Ҳаёсизлик аслида жуда ёмон дард, бориб турган балодир. Ростгўйлик, ҳаё ва хушхулқ бирлашадиган жойда бахтиёрлик бўлади. Кишига наф келтирмайдиган фазилатлар ҳам уч хил бўлади: ўжар ва феъл ёмон кишилар, ёлгончилар, бахил ва пасткаш кишилардир.

Кимнинг феъли ёмон бўлса, унинг омади келган чоғида ҳам, ишлари тескари бўлиб кетаверади. Кимда-ким ёлгончилик билан машғул бўлса, ростгўйлар орасига сиғмайди. Очқўзлик-тубанлик демакдир.

"Қутадғу билиг"да ҳақиқий, самимий дўстликка юксак маънавий фазилат сифатида баҳо берилган. Дўсти кўп мустаҳкам қояга ўхшайди, дейилади.

Асарда ҳақиқий дўст қандай бўлиши, унинг сохта ва сохта эмаслигини аниқлаш йўллари ва мезонлари хусусида қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар берилган. "Дўстлик, яқинлик икки хил бўлади: бири эзгу ниётлар туфайли юзага келса, бошқа бири шахсий манфаатларини деб бўлади. Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади".

Умуман, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" достонини инсонни улуғлаш, тил одоби, ростгўйлик, поклик, камтарлик, севгида вафо, мурувват, сабр-тоқат каби фазилатлар хусусида қилган ҳикматли панду насиҳатлари билан кишиларни, ёшларни ҳар бир ишда ақл-идроқли, ўзгаларга ғамхўр ва мурувватли бўлишга, ҳар бир ишни ўз ўрни ва вақтида адо этишга даъват этади.

Табиийки, улуғ шоирнинг бу ўғитлари ўша даврда муҳим аҳамият касб этгани каби, ҳозирги даврда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган.

Ақром АКМАЛОВ,
республика "Маънавият ва маърифат"
-маркази бўлими мудири, доцент.

XXI аср вабоси

“Ҳизбут-таҳрир” партияси фаолиятининг Марказий Осиё мусулмонлари томонига йўналтирилишига аввало XX асрнинг саксонинчи йилларига келиб уларнинг араб мамлакатларида ўрнашиб ололмастиклари сабаб бўлди. Иккиламчи сабаб, Марказий Осиё исломий руҳонийларнинг коммунистик мафкуранинг яккаҳоқимлиги остида маърифатпарварлик фаолиятлари деярли йўқ даражада эди. Чунки, қонунда ёзилишича, гарчи дин давлатдан ажратилган бўлса ҳам, ғоявий жилов ва бошқариш буткул ҳукмрон партия тасарруфида эди. Шу сабабли ва бошқа омиллар орқали “Ҳизбут-таҳрир” ҳали совет давридаёқ хуфёна йўллар билан ўз ғоясини тарқатиб, анча-мунча илдиз отиб улгурган эди.

Ўзбекистон диний муҳитига кўпчилик келгинди “халифаликни тикловчи”лар демократик жараёнлар жамиятимиз турмуш тарзига тобора чуқур сингиб бораётганидан фойдаланиб, маълум вақтгача республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотла-

унинг ёрдамчилари ўзини қандай қалтис ўйинга аралаштириб қўйганларини англагандан кейин ўз жонига қасд қилган эди. Х. Носиров муътамад мартабасига юқоридаги шахс тавсиясига кўра тайинланган эди. Қарорни “Ҳизбут таҳрир ал ис-

лик ва ташкилотчилик қобилиятига эга шахсларни зимдан кузатиб, изчиллик билан ташкилот сафи-га жалб этиш.

2. “Моддий”: оқимнинг янги аъзолари ҳаётини уларга моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан яхшилаш, уларнинг истеъ-

шевнинг сабоқлари “Ҳизбут - таҳрир”нинг мафкуравий яхлитлигини сақлабгина қолмасдан, Набихонийнинг машҳур “Ҳақиқатга эришиш халифаликни тиклашдир” шиорини ҳам қўллаб-қувватлади.

“Ҳизбут-таҳрир”нинг раҳбарлари ва оддий аъзолари тез-тез партия диний-сиёсий фаолиятининг тинчликпарвар кўришига эга эканлиги тўғрисидаги баёнотлар билан чиқиш қилиб туришади. Шу билан бир қаторда ўз кураш усулларини радикалистлар усулларига тенглаштиришга қарши норозиликлар билдириб туришади. “Биз ҳеч қачон қурол ва куч ишлатмаймиз. Террорчилик ҳаракатлари, портлашлар, талон-торож билан шуғулланмаймиз ва бу томонга бир қадам ҳам қўймаймиз. Партия (ҳизб) ҳукмдорларидан кўрққанидан эмас, балки Аллоҳ элчиси (Аллоҳ уни ярлақсин)нинг ислом давлатини тиклаш учун кўрсатмалари (бу ерда куч ишлатишга ўрин йўқ)га риоя қилганли-

камраб оладилар. Варақалардаги танқид, ҳақорат ва таҳдидларнинг асосий нишонлари сифатида терроризмга қарши коалицияга кирувчи ва уларга ҳамкорлик қилувчи давлатлар раҳбарлари ҳисобланади. Варақалар матнларида Ўзбекистон мусулмонларини ўзга динларга нисбатан тоқатли ва муроёсали ҳанафий (Имоми Аъзам Раҳматиллоҳи алайҳи мазҳаблари – О. Ж.) мазҳаби анъаналаридан воз кечишга чақирувчи даъватлар ҳам учрайди. Бироқ бу даъватларда ҳанафий мазҳаби инсониятнинг ҳар тарафлама тараққиётига ҳеч қачон тўсқинлик қилмаганини ва одамзот ҳаётининг фақат қиёматгача жиҳод мафкуравий ақидани тарғиб қилишдан иборат эмаслиги фикрига тарафдорлиги тўғрисида ҳеч нима айтилмайди. “Ҳизбут-таҳрир” варақаларининг матни кўпинча “Ҳой мусулмонлар!” мурожаати билан бошланиб, сўнгра эса мамлакат ҳукумати ва

ЁЛҒОН СИЁСИЙ ИДДАО

рининг шубҳаларини уйғотмасдан кириб боришди. Чопарлар орасида Яқин Шарқ давлатларидан бири контразведкасининг полковниги ҳам бор эди. Ўзбекистонга у даъватчи сифатида келган эди. Ватанида эса ўзининг диний лавозими “Бутун жаҳон ислом лигасининг Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё бўйича масъули” эканини деярли ҳеч кимга билдирмаган. Ўзбекистонда у мустаҳкам алоқаларга эга эди, шунинг билан бир қаторда юртимизга нафрат билан қарар эди. Биринчи ташрифдан кейин туркистонлик “азиз биродарлар” билан яна учрашувлар бўлиб ўтди, лекин энди бу учрашувлар унинг ватани ҳудудида ўтказилди. Уларга исломнинг тезда рўй берадиган ғалабасини ва халифалик ўрнатилишини тилади. Унинг табрик ва тилақларини олганлар орасида нафақат ўзбек, балки МДХ ҳизбчиларининг муътамади (раҳбари) Ҳафизулло Носиров ҳам бор эди. Унга Хитой Халқ Республикасининг Синжон-Уйғур мухтор округи айирмачи бузғунчилари ҳам ишонч билдиришганди. Ўзбек-уйғур ёзувчиси Эмин Усмон Ҳафизулло Носиров ва

ломий” ташкилотининг амири Абдулқоим Заллум шахсан ўзи чиқарган. Тайинлашдан олдин Заллум Х. Носиров билан суҳбат ўтказган.

Ўша даврда “Ҳизбут-таҳрир” партиясининг дастлабки фаолияти натижаларидан бири сифатида Андижон шаҳрида “Акрomia”, баъзан “Халифатчилар” деб аталувчи жамоа тузилганлиги кўплар томонидан эътироф этилган. “Акрomia” деб аталишига сабаб ташкилотга Андижон олий таълим муассасаларидан бирида дарс берувчи Ақром Йўлдошев (жамоа асосчиси)нинг исми қўйилган. Худди шу одам “Ҳизбут-таҳрир” партиясининг аъзоси бўла туриб, Набихоний томонидан араб мамлакатлари мусулмонлари учун ишлаб чиқилган халифаликни тиклашнинг уч босқичли услуги Ўзбекистон учун яроқсизлиги тўғрисида хулосага келди.

“Акрomia” ғояси бўйича Марказий Осиё услуги халифалик давлат тузуми ўрнатишнинг уч эмас, беш босқичли кўриши деб талқин этиш мумкин.

1. “Сирли”: ҳаётдан норози бўлган диндор, таъсирчан, ишонувчан, нотик-

додлиларини сердаромад лавозимларга жойлаштириш, кейинчалик улар даромадининг бешдан бир қисмини ҳаракатнинг умумий мақсадлари учун ажратишларини таъминлаш.

3. “Маънавий”: гуруҳ аъзоларини ахлоқий тарафдан қайта тарбиялаш, бунинг учун уларнинг ҳокимиятини эгаллашнинг диний жиҳатдан асосланган энг радикал усулларини ёритилган диний адабиётлар билан таништириш.

4. “Узвий майдон”: етакчиларига садоқатли бўлган номзодларни ҳаракат манфаатлари йўлида кенг кўламли фаолият олиб боришлари учун давлат ва жамоат ташкилотларига киритиш.

5. “Тўнтариш”: халифалик давлат тузумини эълон қилиш мақсадида давлат тўнтаришини амалга ошириш, яъни конституцион тузумни ағдариш.

А. Йўлдошевнинг кўплаб хулосалари яширин босмаҳонада чоп этилган “Йўлнинг 12 сабоқлари”, “Иймонга йўл” китобларида баён этилди. Ҳар қандай тадқиқотчи учун етарли даражада қизиқарли бўлган бу мақолани батафсил таҳлил этмасдан айтиш мумкинки, А. Йўлдо-

ги учун куч ишлатмайди”, – дейишади.

“Ҳизбут-таҳрир”нинг бундай баёнотлари аввал бошданок муҳолифатларнинг тажрибасизлигига, Набихоний мафкурасининг ички (том) маъносидан беҳабарлигига (чунки уни англаб етиш учун “Ҳизбут-таҳрир”нинг барча адабиётлари билан махсус услубда танишиб чиқиш, адабиётларда фойдаланилган Қуръон оятлари ва Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в)нинг ҳадисларининг маъноларини тўғри талқин этиш керак) мўлжалланган. Маъноларни қиёслаб ўрганишга эса ҳар кимнинг ҳам уқуви етмаслигига, тафсир этолмаслигига мазкур партия раҳнамоларининг ақли етган.

“Ҳизбут-таҳрир”нинг ниқоб остидаги мунофиқлигини фақат унинг китоблари матнини синчиклаб таҳлил этгандан сўнггина фаҳмлаш мумкин. Айниқса, варақалар матнини ўрганишнинг аҳамияти катта. Улар “Ҳизбут-таҳрир” ташвиқотининг энг муҳим ва самарали воситасидир. Варақалар кўтарилган мавзуларнинг яширин маъноларини ҳамда халқро оқимнинг яққол мафкуравий ғояларини

Президентини ағдариб ташлаш ва халифалик ислом давлатини ўрнатиш тўғрисидаги чақириқлар билан давом этади. Шундай матнлар ҳам борки, улар Президент ва ҳукуматни ўз ваколатларини ихтиёрий равишда топширишга ва халифалик бошқаруви эълон қилинишига қўшилишга даъват этишади. Ўзбекистонга тегишли мазмундаги варақалар матнларини минтақамизда яшовчи ўзаро алоқаси йўқ, конспирацияга қатъий риоя қилувчи муаллифлар ёзадилар. Варақаларни тарқатиш билан бўлинмалар аъзолари шуғулландилар. Республика вилоятлари ва қўшни давлатлар: Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистонни варақалар ва бошқа адабиётлар билан таъминлашнинг созланган тизими “махсус хат ташувчи вакиллар” зиммасига юклатилган. Афсуски, турли сабабларга кўра нафақат Марказий Осиё ва Россияда, балки барча бошқа минтақаларда ҳам жамиятшунос олимлар учун “Ҳизбут-таҳрир” мафкурасига тааллуқли барча адабиётни топиш имконияти йўқ. Бу унинг мафкурасига қарши курашда бир мунча қийинчиликлар туғдиради.

(Давоми бор).

О. ЖАЛОЛ.

Фидойилик абадийдир

ЮРТНИ ҚАДРЛАГАННИ ЭЛ ҲАМ ҚАДРЛАЙДИ

Аввал хабар берганимиздек, Андижонда юз берган воқеаларда эл-юрт ҳимояси учун отилиб чиққан бир нечта ички ишлар ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлдилар. Бугунги кунда уларнинг мардларча хатти-ҳаракатлари кўплаб тадбирларда тилга олинмоқда, ёшларга намуна қилиб кўрсатилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бир гуруҳ раҳбар вакиллари — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, полковник Ў. Аҳмедов, ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, полковник А. Сатторов, “Кўриқлаш” Республика Бирлашмаси бошлиғи

ўринбосари, майор Т. Қаҳҳоров, Андижон вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, майор Қ. Икромов ҳалок бўлган ходимларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг оила аъзолари ва яқинларига вазирлик раҳбарияти номидан чуқур ҳамдардик билдирдилар. Пировардида, марҳум

ходимларнинг қариндошлари кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан миннатдор эканликларини изҳор қилган ҳолда жиноятчиларни тез орада аниқлаб, уларга қонуний жазо берилишини сўрадилар. Бунга жавобан вазирлик томонидан бу қабиҳликларни содир қилганларнинг аксарияти қўлга олинганлиги билдирилиб, уларга амалдаги қонунларга асосан қилмишлари даражасига қараб жазо берилиши муқаррар эканлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғига кўра Андижон воқеаларида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига белгиланган миқ-

дорда моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг фарзандларига нафақалар тайинланди, келгусида олий таълим муассасаларига кириб ўқишлари учун имтиёзлар белгилангани, болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари борасида барча шароитлар яратилгани ва бундан буён ҳам моддий ва маънавий кўмак бериб борилиши маълум қилинди.

Тадбир давомида, шунингдек, Андижон вилояти шаҳар ва туманлари ИИБлари ходимлари билан учрашувлар ташкиллаштирилди. Учрашувларда, асосан, ички ишлар ходимларининг касбий ҳамда жанговар тайёргарликлари бўйича фикрлар билдирилди.

— Хавфсизлик ва осойишталикни таъминлашда масъулият, ҳушёрликни ҳар дамда ошириш бугунги давр ички ишлар ходимлари хизмат фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда, — деди тадбирлар чоғида полковник А. Сатторов. — Энг асосийси, аҳоли билан мулоқотда Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаб берилган “Касб одобномаси”га қатъий амал қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам самимий ва ҳушмуомала бўлиш керак. Ана шундагина халқнинг осойишталик посбонларига нисбатан эҳтироми ва ишончи ортиб бораверади.

Эркин САТТОРОВ.

Кимдир тўй қилса ёки яхши бир тадбир уюштира, ҳамма ҳам боравермаслиги мумкин. Аммо дўст бошига ташвиш тушса, қўшни уйида, маҳаллада кўнгилсизлик содир бўлса, албатта бориб кўнгил сўралади, мазлумдан сўраб ўтирмасдан унинг оғирини енгил қилиш учун ҳамма елиб-югуради. Бу бизнинг миллатимизга хос фазилат. Андижонда рўй берган мусибат ҳам водийликларни бирлаштирди, янада жипслаштирди. Бунга мисол қилиб, Андижон ёшларининг хайрли ташаббусини келтириб ўтиш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматов ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарлари вилоятдаги олий ўқув юртли ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг 1200 нафардан зиёд талаба-ёшлари билан давра суҳбати ўтказдилар.

Ушбу учрашувдан руҳланган талабалар “Еш посбонлар” марказини тузиш ташаббуси билан чиқдилар ва бу иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди.



АНДИЖОН ЁШЛАРИ ТАШАББУСИ

— Ўзингизга маълум, бугунги кунда ички ишлар ходимларининг хизмат фаолияти анча кенгайган, — дейди Андижон вилояти ҳокимияти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Фозилжон Асроров. — Ушбу марказни тузишдан асосий мақсад ҳам тинчлик-осойишталикни сақлашда ҳуқуқ-тартибот ходимларига яқиндан кўмак беришдир. Унга спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шугулланиб келаётган ватанпарвар ёшлар саралаб олинади. “Қуш тилини қуш билади”, деганларидек, марказ аъзолари тенгқурлари қалбига ватанпарварлик руҳини сингдиришда

ўзларининг амалдаги хизматлари билан намуна бўладилар. Посбонлар мактабларда, олий ўқув юртлида, ёшлар билан боғлиқ турли ташкилотларда, қолаверса, меҳнат муассасаларида бўлиб, тарғибот ишларини олиб борадилар. Жиноятчиликнинг олдини олишда, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан, турли оқимлар таъсирга тушиб қолаётган шахслар билан тарбиявий шугулланишда кўмаклашадилар. Айни кунда амалдаги қонунлар асосида ташкил этилган ушбу марказга бир ярим мингдан зиёд талаба-ёшлар аъзо бўлишди.

— Шахримизга нотинчлик олиб келганларга қара-

та шундай демоқчиман, — дейди марказга биринчилар сафида аъзо бўлган Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти 1-курс магистранти Оятулло Раҳматуллаев. — Сизнинг ҳам ота-онангиз, синглингиз, фарзандингиз бор. Сиз ҳаётига нуқта қўйганларнинг ҳам ота-онаси, яқинлари бор эди. Қарғишдан қўрқмадингизми? Ўйингиздан бир жиҳоз йўқолса, ўрни қанчалик билинади. Ахир сиз бир инсонни оиласидан жудо қилдингиз. Сизни тарбия қилганлар номига айтилган тавқи лаънат бир кун келиб ижобат бўлиши ўйлантirmайдими? Қайтинг бу йўлдан!

Бугунги кунга келиб эндидаги кийими ўзига ярашган, фидойи, ҳушмуомала посбонлар вилоят тинчлигини сақлаш йўлида туну кун хизмат қилиб келмоқдалар. Энг қувончлиси, уларнинг сафи кундан кунга ортиб бормоқда. Водий ёшларининг бу ташаббуси бошқа вилоятларда ҳам қўллаб-қувватланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Азиз ЭРНАЗАРОВ.
Суратларда: “Еш посбонлар” маркази аъзолари хизмат пайтида.

Аваз БОБОХЎЖАЕВ
олган суратлар.



ВАТАНДОШЛАРГА ДАЪВАТ

Ўз ичингдан ётлар чиқса ёмон экан,
Ўз уйингдан ўтлар чиқса ёмон экан,
Болам деган додлар чиқса ёмон экан,
Наҳот бунинг барчасига берурсан дош?
Огоҳ бўлгил, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!

Ўзбекистон онамиздир, дилда дардлар,
Отасига қўл кўтарур оқпадарлар,
Ўз тупрогин топтагидир ул номардлар,
Оромингга, ҳурлигингга отарлар тош,
Огоҳ бўлгил, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!

Курбонларнинг албат тутгай заволлари,
Сағир қолган болаларнинг уволлари,
Қиёматда бордир тангри саволлари,
Разилларнинг хиёнати бўлгидир фош,
Огоҳ бўлсанг, уйғоқ бўлсанг, эй ватандош!

Чидайсанми нишон қилса онанг кўксин?!
Тош қотмагил, тур гафлатдан, юрак ўксин,
Охирати куйиб кетган қотил ўксин,
Ватан ичра беватанга ҳаромдир ош,
Сен огоҳ бўл, сен ҳушёр бўл, эй ватандош!

Гулшода ҚУРБОНОВА.

Ички қўшинлар ҳарбий хизматчиси,
оддий аскар.

ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда бўлиб ўтган умумий йиғилишда Андижон вилоятида содир этилган қоралпоқ Давлат университетининг кафедра бошлиғи, доцент А. Хожегелдиев диний экстремизмнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник О. Турдақов, ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, полковник А. Бобононов, ИИБ ЁХБ бош-

лиғи, полковник В. Живницкий, Тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Б. Бекназаров, ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник А. Жаналиев ва бошқалар сўзга чиқиб, Андижондаги кўпуровчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралашди. Асосий эътибор хизматда ҳушёрликни ошириш, омма ўртасида тушунтириш ишларини янада жонлантиришга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Дурдибой
ХУДОЙШУКУРОВ.

ОСУДА ҲАЁТНИ ИЗДАН ЧИҚАРИШОЛМАЙДИ

Башариятнинг ҳар қандай замонда ҳам ягона орзуси тинчлик, фаровон турмуш бўлиб келган. Тарихдан маълумки, уруш, жангу жадаллар ҳали ҳеч бир давлат, ҳеч бир халққа яхшилик, тўкин-сочинлик, бойлик келтирмаган. Бугун айрим калтабин, ҳокимият талвасасига тушган, ақидапарастлик билан заҳарланган кимсалар тинчликдек буюк неъматга тажовуз этишмоқда. Қонли қўллари билан ота-боболари бир умр орзу қилган, меҳнати билан бунёд этган осуда ҳаётни издан чиқаришга уринишмоқда. Ўтган йили март, июнь ойлари, куни кеча Андижонда юз берган экстремистик ҳаракатлар ана шундай уринишлардандир. Бироқ бу гараз кучлар ўз ниятларига ета олмаган ва ҳеч қачон етмайдилар. Чунки тинчлик, осойишталик — халқ хоҳиши. Маҳалла аҳли билан ўтказилаётган учрашув ва йиғинларда бу янада яққол намоён бўляпти. Аҳоли гоҳида бош кўтариб, тартибсизлик ва хунрезликни келтириб чиқармоқчи бўлаётган нонкўр кимсаларни лаънатламоқда. Огоҳликни ошириб, янада жипслашишга даъват этмоқда. Бу ишда меҳнат фахрийлари, кексалар қаторида ёшлар ҳам кўмак беришга тайёрлигини билдиришга қувонч қувончландир. Бугун жамоат тузилмалари фаоллари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзлари ҳам тинчлик, барқарорликни сақлашга ўз улушларини қўшишяпти.

Мустафо УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ангрен шаҳар “Боботог” маҳалласи оқсоқоли.

Муносабат

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

ортиқча бармоққа ўхшайди, кесиб ташсаланг оғритади, кесмасанг уялтиради

Кўшнинг уяси бузилса, қанчалик безовта бўлади. Андижонда рўй берган машъум воқеа ҳам ўнлаб хонадонларга бемаврид аза олиб кирди. Болам деб бўзлаганларнинг, отам деб зор йиғлаган гўдакларнинг нолаларини эшитган юрак эзилиб кетади. Қанийди кўздан оққан ёшлар билан юракни салгина юмшата олсанг. Ғаму кулфатдан яраланган хаста дилларга малҳам беролсанг. Уларнинг кўнглига таскинлик улашиб бир муддат бўлса-да, дардини ололсанг.

Бугун биргина Андижонга эмас, балки Ўзбекистон деган уйга ғам тушди. Кутилмаган ташвишнинг сабаблари ўрганилмоқда. Вақти келиб хулоса чиқарилади. Аммо кишини қийнайдиган жиҳати шундаки, юртим деб, боламчакам деб ором нималигини билмайдиган 19 нафар ҳамкасбимиз ҳам бемаврид қурбон бўлди. Аммо уларнинг ҳар қайсиси оддий инсон қила олмайдиган ишни уддалаб, зарур бўлганда жонни гаровга қўйиш талаб қиладиган ишнинг, хизматнинг бошини маҳкам тутиб юришганди. Умрининг учдан икки қисми хизматда ўтса-да, бировга зорланишни ўзига ор биладиган ориятли йигитлар эди улар. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, юртимиз бой бўлса, биз ҳам бой бўламиз, тўю томошалар қилиб, эл-юртга ош берамиз, қиз чиқариб, ўғил уйлантирамиз деган орзу ҳавасда эдилар.

Тўғри гапнинг тўқмоғи бор, дейдилар. Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини фақат ва фақат нияти нопоклар, қадами қийишқлар ва кўнгли бузуқларгина ёқтиришмайди. Шу боис ҳам улар биринчи зарбасини ички ишлар идораларига қаратдилар. Қолаверса, уларнинг билганини қилишга қаршилик кўрсатувчи кучлар ҳам шулар бўлгани учун дастлабки ҳужумлар мазкур идораларга бўлди.

Жиноятчилар мақсадининг нопоклигини кўрсатувчи яна бир омил шундаки, улар мазкур идораларни ишғол қилиш, у ерда хизмат вазифасини ўтаётганларни отиб ўлдириш баробарида ўқотар қурол ва аслаҳаларни олиб кетишди. Хўш бу ҳолни қайси яхши ниятли намоийишчиларнинг иши деб ҳисоблаш мумкин?!

Яна бир таажубга соладиган жиҳат. Ўша кечаси тунда боласининг чақриғини эшитиб, "Ие, болам, ярим кечаси кўчада нима қилиб юрибсан", демасдан ўғлининг олдида югуриб чиқиб кетган ота ёки онанинг ҳаракатини тушуна бўлар. Чунки, ҳар қандай ота-она бундай пайтда аввало боласини ўйлайди. Унга шикаст етмасин деб хавотирга тушади. Аммо ярим тунда жазавага тушиб, йўлда учраган одамни ўз сафига қўшиб олишга уринган кимсаларга кўр-кўрона қўшилиб кетган ёки уларни машинасида манзилларига етказиб қўйганларни қандай тушуниш мумкин?!

Мазкур фикрларни баён этишдан мақсад ушбу воқеада ҳалок бўлган кишиларнинг яқинлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларининг олдида бир саволни қўйиши табиий. Бизнинг боламизни ёки отамизни ўлдирган одамни топиб беринг! Бу қотиллар жазосини олмагунча биз Сизлардан рози эмасмиз дейиши аниқ.

Қотиллар топилади. Қилмишига яраша жазосини олади. Бу аниқ. Аммо улар Сизнинг тоғангиз, хиянингиз, қўшингиз ёки холангизнинг ўғли, шевада айтганда, бўлангиз бўлиб чиқса-

чи?! Хўш унда дардимизга малҳамни қаердан қидирамиз?

Бу эътирозимизга асос шуки дастлабки тезкор тергов маълумотлари тоғани хиян, хиянни амаки отгандан ҳам далолат бермоқда. Бировларнинг ногорасига ўйнаб кўлига қурол кўтариб чиққан айрим бетовфиқлар, ҳақиқатан ҳам болам деб жонсарақ бўлиб келган отасини, онасини, хотини ёки боласигача ўзига жонли қалқон қилиб олишгани аён-ку. Мақсади ўзлари кутгандек амалга ошмаётганидан жазавага тушиб, ўша дамда бири иккинчисининг отасини танимаганидан ёки "Эй, қўйинглар, болаларим, бу ишларинг нотўғри", дегани учун отиб қўйганидан сўнг ўзларининг орасида ҳам нифоқ пайдо бўлиб қолганини вақт кўрсатмоқда.

Тантананада иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Б. Очилов ҳарбий хизматга бел боғлаган йигитларни мард, жасоратли ва матонатли бўлишга ундади.

Жанубий-Ғарбий ҳарбий Округ кўмондони, генерал-майор А. Собиров давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юрти-

мизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар Куролли кучларда ҳам кенг кўламда олиб борилаётгани, профессионал армия яратилган даги саъй-ҳаракатлар ҳосиласи — сержантлар тайёрлаш мактаби бу борада дастлабки қадамлардан эканлигини таъкидлаб, келгусида улар орасида тизимнинг етук билимдонлари, генераллар етишиб чиқишига ишонажани билдирди.

Ватан ҳимоячиларининг тантанали саф кўригидан сўнг фарзандлари билан дийдорлашишга келган ота-оналар сержантларни табриклашди.

— Чирокчи туманидан Қулмамат Ҳайдаровман. Бош фарзандим Раҳмонбой қасамёд

қабул қилди. Энди у ҳарбий хизматчи. Юртбошимизга раҳмат. Қисқа вақт ичида малакали мутахассислар етишиб чиқиши учун имконият яратди. Илоё, осмонимиз тинч, юртимиз осойишта, турмушимиз фаровон бўлсин!

— Бугун орзуим ушалди, — дейди касбилик Гуландом Мўминова. — Ўғлим Қўлдош Ашуров шу мактабнинг ички қўшинлар бўлимини битирди. Энди эл осойишталиги йўлида хизмат қилади. Ўғлонлари бақувват, билимли юртга ҳеч қандай ёв дахл қилолмайди. Биз, оналар баркамол, соғлом фарзандлар тарбиялаб юрт хизматида берсак, улар мамлакат равнақи йўлида хизмат қилса, келажакимиз порлоқ,

ҳаётимиз осойишта, турмушимиз янада тўкин бўлади.

— Бу ерга Бухоро вилоятининг Вобкент туманидан ўқишга келганман, — дея суҳбатга қўшилди кичик сержант Бобур Ходиев. — Ички ишлар идоралари хизматида бўлган иштиёқим бугун ижобат бўлди. Энди белни боғлаб, халққа хизмат қилиш бурчимга айланди. Зиммамга юкланган масъулиятни бекаму кўст бажаришга ваъда бераман.

Бобур билан бирга дарс тинглаган кичик сержантлар, миришкорлик А. Авазов, нишонлик Х. Махманов, гузорлик С. Нормуродовлар ҳам ҳаяжонда.

Тадбирда санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар битирувчилар ва ота-оналарга хушқайфият бағишлади.

Содиқ РАҲИМОВ.

Хизматларда

ЙЎЛ ҚОИДАСИ ҲАММАГА БАРОБАР

Кейинги пайтда рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг бир қисми болалар ва ўсмирлар иштирокида содир бўлаётгани сир эмас. Бунга асосан уларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини яхши билмасликлари ёки ўйинқароқлик қилиб рия этмасликлари сабаб бўлмоқда. Шу сабабли айниқса, жойларда лицей, коллеж ва мактабларда, болалар боғчаларида профилактик ишларга катта эътибор бериляпти.

Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги энергетика ва маиший

хизмат касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида "Йўлчиноқ" деб номланган мусобақа ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар

бўлими ва касб-хунар коллежи раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда йигит-қизлар йўл ҳаракати қоидалари бўйи-

ча билимларини синаб кўрдилар.

Тадбир режасига кўра гуруҳлар йўлларда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг нималарга эътибор бериши, йўл белгиларини билиши, транспорт қатнови кўп бўлган йўллардан ўтиши, велосипед ҳайдаб кетаётганда амал қилиниши лозим бўлган қоидалар бўйича беллашдилар. Йўл белгилари кўйилган майдонда қоидаларга рия этиш амалиёти намойиш этилди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умрзоқ ҒАҒҒОРОВ,
катта сержант.



Суратда: тадбирдан лавҳа.
Икром ЖОНЗОҚОВ олган сурат.

ЁНҒИНЛАР КАМАЙИШИГА ЭРИШИЛАДИ

Сурхондарё вилояти Ангор тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан иншоотлар, аҳоли яшаш жойларида ёнғиннинг олдини олиш борасида текширувлар ўтказилиб, мавжуд камчиликлар ўз вақтида кўрсатиб бориляпти. Жумладан, шу йилнинг биринчи чораги давомида 113 та маскан, 1002 та хонадон, 25 та кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолатларини кўздан кечириш жараёнида асосий эътибор табиий газ ва электр энергияларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигига рия эти-

лишига қаратилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 27 та масканнинг иш фаолияти камчиликларни бартаф этгунга қадар тўхтатилди. 192 та жойда насос, электр ускуналари ва газ мосламаларидан фойдаланиш таққлаб кўйилди.

Бўлим ходимлари туман ҳудудида ёнғин чиқишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Кузатувлар натижасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузган мансабдор шахсларга нисбатан қарийб 1 млн сўм, 24 нафар фуқарога

эса 15672 сўм миқдорда жарима солинди. 28 та маҳаллада фуқаролар билан учрашувлар ўтказилди.

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари бундан кейин ҳам ўз ишларини шу кун талаблари даражасида ташкил этиш борасида изчил фаолият юритяптилар. Аҳоли яшаш жойларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида профилактик-тушунтириш ишлари мунтазам уюштирилаверади.

Э. НОРМАМатов,
капитан.

Тадбир

КИНОЛОГЛАР МУСОБАҚАСИ

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ва содир этилганларини аниқлаб, айбдорларни топишда хизмат итларидан фойдаланиш катта самара бераётгани амалиётда ўз исботини топяпти. Шунинг учун ҳам кинология соҳасини ривожлантириш борасида муайян ишлар қилиняпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиздаги инспектор кинологлар томонидан хизмат итлари ёрдамида 1700 га яқин турли хил жиноятлар очилди. Қотиллик, ўғрилик ва гиёҳвандлик моддаларини аниқлашда айниқса, тўрт оёқли ёрдамчиларнинг кўмаги кўл келмоқда.

Ҳозирги кунда жойларда кинология бўлимлари учун замонавий типда питомниклар қурилган. Бу ёрда хизмат итлари бир неча йўналишда изкуварликка ўргатилмоқда. Инспектор-кинологларнинг итларни қай даражада ўргатаётганликларини билиш мақсадида мусобақалар уюштирилаётган-

ни нафақат ғолибларни аниқлаш, балки ўзаро тажриба алмашиш тадбири ҳам бўлмоқда.

Яқинда Қашқадарё вилоятида инспектор-кинологларнинг навбатдаги мусобақаси бўлиб ўтди. Кўпкурашда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар, Транспорт ИИБ, Қоровул ва Ички қўшинлар Бош бошқармаси вакиллари иборат 17 та жамоа беллашди. Хизмат итлари "Умумий курс", "Изқидирув", "Гиёҳвандлик моддаларни қидириб топиш", "Портловчи модда-

ларни қидириб топиш" ва "Антитеррор" йўналишлари бўйича синаб кўрилди. Мусобақа давомида ҳар бир жамоа аъзолари ўзларини қай даражада тайёргарликка эга эканликларни, бириктирилган хизмат итларини белгиланган топшириқларни бажаришга астойдил тайёрлаганликларини намойиш этдилар.

Мусобақа якунига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Қашқадарё жамоаси вилояти эгаллади ва ғолиб жамоа учун ажратилган автомобилни кўлга киритди. Иккинчи ўринни Сурхондарё ва Са-



марқанд вилоятлари, учинчи ўринни Фарғона ва Андижон вилоятлари кинологлари кўлга киритишди ва муносиб тақдирланишди. Шахсий биринчиликда фахрли ўринларни эгаллаган ғолибларга ҳам қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрликлар топширилди.

Форуза САЪДУЛЛАЕВА,
капитан.

Суратларда:
беллашувдан лавҳалар.
Зафар МАҚСАДОВ
олган суратлар.



НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

БАЛИҚ ОВИ ФОЖИАСИ

Сирдарё тумани Шоликор уюшмаси хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи "Шўрўзак" каналидан 45 ёшлар атрофидаги эркак кишининг жасади топилган. Унинг бошига ўтмас жисм билан уриб, жароҳат етказилган эди. Ички ишлар ходимлари олиб борган суриштирувлар натижасида марҳумнинг шахси аниқланди. У Зангиота туманилик Муҳамматхон Ҳатамов бўлиб чиқди. Кўрилган чоралардан сўнг ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб А. Темур кўчасида яшовчи, ишламайдиган Б. Зокиржон ушланди. Гап шундаки, у Муҳамматхон билан маст ҳолда "Шўрўзак" канали бўйида балиқ овлай бошлади. Аммо ўрталарида низо келиб чиқади. Шунда Б. Зокиржон шеригининг бошига темир бўлаги билан уриб ўлдириб, жасадни каналга ташлаб юборади. Қотил қилмишига яраша жавоб беради.

ИШЛАМАГАНЛАРНИНГ ИШИ

Ишламаган – тишламайди. Шу оддий ибора замирида қанчалар маъно бор. Ҳақиқатдан ҳам бирор ишнинг этагидан тутмаган, пешона тери билан пул топмаган одам қандай қилиб тўла-тўқис яшashi мумкин. Пул ишлаш учун у пойтахтнинг Ҳамза туманида яшовчи, илгари судланган Ш. Руслан, Ҳ. Бахтиёр ва В. Андрейлар каби бирор ноҳя ишга кўл уриши ҳеч гап эмас. Учовлон жинойи тил бириктириб, Тошкентдаги коллежлардан бирининг талабаси Ильвира Помогаеванинг хонадонига бостириб киришади ва уй эгасини пичоқ билан кўрқитишади. Унинг кўл ва оёқларини боғлаб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборадилар. Босқинчилар 470 АҚШ доллари, "Панасоник" русумли видеокамера ва "Самсунг" уяли телефонини олиб кетишди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатидан сўнг улар кўлга олинди. Текинтомоқлар эҳтимол панжара ортида ишламаган тишламайди, деган иборанинг маъносини ўқиб олсалар.

ПИВОНИ МЕНСИМАДИ

Одатда инсоннинг ташқи қиёфасига қараб унинг дунёқараши, кўнглидан қандай ўй-кечинмалар кечаётганини билиб олиш мушкул. Олмалиқ пиво ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси М. Ильдар йигирма ёшни қаршилаган, гап-сўзларига қараганда туппа-тузук йигитга ўхшайди. Аммо унинг қинғир йўлга кириб улгургани ўтказилган тезкор тадбирда ойдинлашди. Ички ишлар ходимлари Ильдарни Пискент туманидаги Қирққизобод ширкат хўжалиги ҳудудида тўхтатиб, сумкасини кўздан кечиришганда 3 кг. 530 гр. марихуана олишди. У шунча миқдордаги гиёҳвандлик моддасини пулламоқчимиди ёки истеъмол қилиш учун олиб кетаётган эдимиз? Бу саволга ички ишлар ходимлари ойдинлик киритишади.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ...

Навбахор тумани Наврўз ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳайитмурод Наврўзов пенсияда бўлишига қарамай оила кам-қўстига ярар, деб 27 бош кўй ва эчкиларни боқаётган эди. Тунда уларни кимдир ўғирлаб кетди. Бундай нобахорликдан ранжиган қария дарҳол ички ишлар идорасига хабар берди. Ўғри шунча кўй-эчкилар билан узоққа кетолмаслиги тайин эди. Тезкор гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракати билан самарқандлик, ишламайдиган Қ. Камолитдин ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб кўлга олинди. Онги жойида инсон бўлмай ишларга кўл урмайди. Шунинг учун ҳам уни «йигирма саккизинчи» деса бўлади.

«ГАЗ»НИ БОСГАН ҲАЙДОВЧИ

Иштихон туманилик Бахриддин Нурматов "Митан – Кўшробод – Нурота" йўлининг Янгикент ширкат хўжалиги ҳудудидан ўтган қисмида бораётган эди. Кутилмаганда юк машинаси уни уриб кетди. Ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига жуфтакни ростлаб қолди. Б. Нурматов эса шу жойда оламдан кўз юмди. Воқеадан хабар топган ички ишлар ходимлари қочоқ ҳайдовчини ушлаш чораларини кўришди. Ниҳоят ушбу жиноятни Каттакўрғон шаҳрида яшовчи Қ. Икром ўзининг "ГАЗ-53" русумли автомашинасида содир этганлиги аниқланиб, кўлга олинди.

Хатлар таҳлили

Одатда таҳририятга келаётган номаларнинг мазмун-моҳияти юртимизда рўй бераётган янгиликлар, содир этилаётган воқеаларга қараб ўзгариб туради. Хатлар — ҳаёт кўзгуси, деб эътироф этилаётган экан, шундай бўлиши табиий. Кейинги кунлар ичида кўлимизга теккан мактублар оқими буни яна бир бор тасдиқлади. Бинобарин, уларнинг аксариятида Андижон воқеалари, Ватанга садоқат, огоҳликка даъват этувчи туйғулар билан боғлиқ мулоҳазалар баён этилган.

“Бу нохуш воқеа биргина андижонликларнинг гами, ташвиши эмас. Бугун ҳар бир фуқаро шу юртининг тинчлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб билиши керак, — деб ёзади Навоий шаҳридаги “Хумо” маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси Г. Очилова. — Яқинда ёши

саксонни қоралаб қолган, кўпни кўрган бир онахон билан суҳбатда бўлдим. Андижон воқеаларига тўхталар экан: “Болам, бегуноҳ одамларнинг уволига қолган шу онкўрларнинг ҳам онаси

бормикан?” — деб сўраб қолдилар. Бир муддат ўйга толдим. Мен ҳам онаман. Фарзандларим камолини ўйлайман. Тинчлик, осойишталик бўлсагина барча орзу-хавасларимиз рўёбга чиқади. Осузда ҳаётимизга раҳна солишга интилаётганлар билиб кўйишсин, улар ўзларининг қораниятларига ета олмайдилар”.

Ҳа, юртимиздаги турли миллатга мансуб халқларнинг кўнгиллари туташ, тақдирлари ҳам. Улар муштарак мақсадга интилиб яшаётганлари ҳам бежиз эмас. Бухоро вилояти ИИБ бошлигининг 1-ўринбосари, полковник Ш. Тўраевнинг мактубида фаровон турмушимиз гарови, аввало, халқимиз яқдиллиги, ҳар бир фуқаро хушёр ва огоҳ яшашида эканлигига урғу берилган. “Баъзи ёшларимиз катталарнинг лоқайдлиги туфайли билиб-билмай норасмий оқимлар таъсирига тушиб қолишяпти, — деб ёзади муаллиф. — Шу боис, бугунги кунда ибодат қилаётган ўғил-қизларимиз маҳалла имомлари суҳбатидан ўтиб туришларини йўлга қўйишимиз лозим. Профилактика инспекторлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан огоҳликка даъват этувчи тадбирлар ўтказиб туриш ҳам ижобий натижа беради. Барчамиз бир бўлиб, жаҳолатга қарши

маърифат билан курашсак, албатта мақсадимизга эришамиз”.

Капитан А. Даминов ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда ўғлонларимиз Ватан олдидаги бурчларини сидқидилдан

бажариш учун тантанали равишда қасамёд қабул қилганлари ҳақида ёзиб юборган. Навоийлик Т. Нажмиддинов “Ватан тақдири ишончли кўлларида” деб номланган мақолада ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник Р. Алимов сардорлик қилаётган ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда хизмат қилаётган аскар йигитлар она Ватанни душманлардан авайлаб-асраш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини чуқур англаб етаётган эканлар. Самарқандлик Д. Умаров, Чирчиқ шаҳридан В. Сотволдиев, Тошкент тумани Келес шаҳрида истиқомат қилувчи М. Баҳодиров, Тошкент шаҳри Бектемир туманилик уй бекаси М. Ориповалар ўз мактубларида юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ўзимизга боғлиқ эканлиги, ғараз ниятли кимсаларга қарши қўлни қўлга бериб курашиш лозимлигини уқтиришади.

Мамлакатимизда 2005 йил — Сихат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши муносабати билан ички ишлар идораларининг тиббиёт хизматларида қўлга киритилаётган ютуқлар, рўй бераётган ўзгаришлар хусусида мунтазам хат-хабарлар олиб турибмиз. Наманган

вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, капитан Б. Маъмуровнинг ёзишича, бошқарма тизимида фаолият кўрсатаётган ички ишлар ходимлари, уларнинг оила аъзолари, фахрийларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича самарали йўналишлар белгилаб олинган. Наманган шаҳар ИИБ физиотерапия шифохонаси навбатчи ҳамшираси К. Даминанова жамоанинг ахиллиги, ўз касбига содиқлиги туфайли бу ерга ташриф буюраётган беморларга малакали хизмат кўрсатилаётганини маълум қилган. “Ҳамкасбларим 50 ёшим билан самимий кутлашганда киприкларимга севинч ёшлари инди”, деб изҳор қилади у ўз дил сўзларини. Тошкент шаҳар ИИББ ТИБ катта инспекто-

инспектори, лейтенант А. Нигманов фуқароларнинг эҳтиётсизлиги туфайли келиб чиқаётган ёнғинлар ҳақида аниқ далиллар келтиради. Жондор тумани ИИБ ЁХБ инспектори, лейтенант А. Давронов ўз мақоласини “Таҳлиллар шуни кўрсатдики...” деб номлабди. Ушбу материал орқали жамоа қўлга киритаётган ютуқлар, Самад Саидов, Баҳодир Нуриллаев, Рауф Асадов каби фахрийлар нафақада бўлишларига қарамай бу ерга тез-тез ташриф буюриб, ўз насиҳатлари ва фойдали маслаҳатларини аяшмаётганини билиб олдик. Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан У. Абдуқодиров, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори М. Кўчқоров,

таърифлар экан, отасининг барча инсоний фазилатлари унга ўтганини ёзади. Аммо у ким, қаерда яшаши маълум эмас. Билдирилган фикрлар тарқоқ. Бошқа икки мақола ҳам фақат тўқималардан иборат. Наманган вилояти Наманган туманидаги 21-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ш. Эрматованинг “Уч исмли қотил” деб номланган мақоласида жиноятнинг очилиши ишонарли тарзда тасвирланмаган. Қолаверса воқеаларни баён этиш услуби зерикарли. Шунга қарамай синглизми кутлаш керак. Мақола бадий тарзда ифодалашга ҳаракат қилгани кўриниб турибди. Самарқандлик меҳнат фахрийси


Х. Йўлдошевнинг “Ҳижрий шамсий йил тақвими” сарлавҳали мақоласида келтирилган рақамлар асосан манбалардан олинган. Муаллиф тақвим ҳақида шахсий фикрдан келиб чиқиб сўз юритганда мақсадга мувофиқ бўларди. Навоий

вилояти ИИБ ЁХБ инспектори, капитан В. Ашуровнинг “Диққат, темир йўл кесишмаси!” деб номланган мақоласи куруқ факт ва рақамлардан иборат, тадбир бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинмаган. Республика ИИБ ЖИЭББга қарашли тергов ҳибсхонаси ходими Р. Иномов йўллаган “Хотира азиз ва барҳаёт” деб номланган мақола кечикиб келди.

Биз шунингдек, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ИИБ ТБ бошлиғи, майор Н. Мирзаев, сирдарёлик С. Абрайқулов, Самарқанд шаҳар ИИБ ходими, катта лейтенант М. Абдурахимова, андижонлик Х. Тохиров, Самарқанд вилояти Ургут шаҳрида яшовчи Н. Ҳамидова, Андижон вилояти Андижон тумани “Исломобод” кўчасида истиқомат қилувчи Ж. Турдиев, булунғурлик Ж. Мамадали, Фарғона вилояти Кува тумани Беговот қишлоғидан М. Валиев, Сирдарё вилояти ИИБ ходими, капитан Ж. Каримов ва бошқалардан ҳам турли мавзуда хат-хабарлар олдик. Аммо маълум сабабларга кўра улардан фойдаланишнинг имконияти бўлмади. Бунинг учун узр сўраб, муштарийларимиздан пишиқ-пухта материаллар кутиб қоламиз.

Хатлар бўлими.

КўНГИЛЛАР ТУТАШ, ТАҚДИРИМИЗ ҲАМ



ри, капитан Ш. Шавдиров эса ички ишлар ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, бу бо-

радаги фикрлари билан ўртоқлашган. Таҳририятга йўлланган яна бир хатлар туркуми борки, конвертларни очган фахр туйғуларини туймай иложингиз йўқ. Уларда давлат ва фуқаролар мулкани ўт балосидан сақлашга муносиб ҳисса кўшаётган, офатга қарши кўкракларини қалқон қилаётган фидойи ходимлар тўғрисида гап боради. Материаллар билан танишамиз. Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник О. Ходжаев “Эҳтиёт чоралари кўрилмоқда” деб номланган мақоласида қорхона ва муассасаларда ёнғинга қарши текширув назорат ишлари олиб борилаётгани, маҳалларда эса тарғибот бурчаклари ташкил этилгани ҳақида фикр юритади. Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ

Тошкент вилоятидан катта лейтенант Р. Сулейманова, Самарқанд вилоятидан майор Ж. Баҳриевлар ҳам бизга мактуб йўллаб, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталганлар.


Маълумки, газетада ёритилаётган материаллар рангбаранг, ўқимишли, мавзулар долзарб бўлиши таҳририят ижодий жамоаси билан бир қаторда жамаотчи мухбирларнинг саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ. Аммо айрим ҳолларда муштарийларимиздан келаётган материаллар талабга жавоб бермаслиги, кўтарилган масалалар вилоят, хатто туман миқёсида эканлиги, фактлар етишмаслиги, фикрлар тарқоқлиги, жумлалар ғализлиги кўзга ташланмоқда. Табиийки, бундай камчиликларга эга бўлган мақолалар ходим томонидан имкон қадар таҳлил қилиниб ишланади, аммо шунда ҳам чоп этиш ҳолига келтириб бўлмасга газета юзини кўрмайди. Юқорида тилга олиб ўтилган материаллар ҳам бундан мустасно эмаслиги туфайли улардан фойдалана олмадик.

Шундай фикрни Пастдаргом туманилик Д. Саидованинг мақоласига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Муаллиф ўз қахрамони Сатторжоннинг феъл-атворини

Ёднома

ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ...

Янги экилган ниҳол киши кўз ўнгида ўсиб, кун сайин кўкка бўй чўзишини кузатиш нақадар қувончли. Вақтнинг тез ўтишини қаранг. Агар суюкли жияним ҳаёт бўлганида 40 ёшга тўлган бўларди. Бугун унинг зурриётлари Ширин, Хондамир ва Шаҳнозалар анча улғайишган.



Лекин... Ҳали-ҳануз баъзан фалокатли кунга ишонмай ёлғиз ўғли Фарҳоднинг эшикдан кириб келишини зориқиб кутаётган отаси Мирсоат ака ва набиралари учун яшаб келаётган онаизори Сайёра опанинг эшикка кўз тикиб ўтирганларини кўрганимда ҳар сафар беихтиёр кўнглим бўшашиб кетади.

Бу йил улар 70 ёшни қаршилашди. Умрлари узоқ бўлсин. Мирсоат акам 40 йилдан ортиқ геология ва геофизика илмий-текшириш институтида ҳалол меҳнат қилиб нафақага чиққанлар, фан номзоди. Сайёра опа узоқ йиллар Тошкент туманидаги марка-

зий туғруқхонада врач-гинеколог бўлиб, ҳалол меҳнати эвазига катта обрў-эътибор топган инсон. Уларнинг қизлари Саодат ва Севаралар ҳам ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган, шифокорлик касбини эгаллашган. Аммо ёлғиз ўғилга бу ёруғ дунёда фарзандларининг камолини кўриш насиб этмади.

Фарҳод табиатан жиддий, камгап, камтарин йигит бўлиб ўсди. Тошкент туманидаги 9-ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, Олма-ота ўт ўчирувчилар билим юртини имтиёзли диплом билан тугатди. Кейинроқ Тошкент Давлат университетининг юридик факультетида сиртдан ўқиди.

Хизмат фаолиятини пойтахтимизнинг С. Раҳимов тумани ИИБ ЁХБда инспекторликдан бошлади. Сўнг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспектор бўлиб ишлади. Айниқса, туман ИИБ

тергов бўлимида, республика ИИБ тергов бошқармаларида ишлаб ўзининг қобилиятини кўрсатди. Доимо ўз устида ишлаш, изланиш уни тергов хизматининг малакали ходимига айлантирди. 1997 йилда майор Фарҳод Мирахмедовни Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасининг бўлим бошлиғи лавозимига эндигина тайинлашган эди.

Фалокат оёқ остида экан. Ўша йил декабрда автоҳалокат юз берди. Фарҳод бир ҳафта давомида ўлим билан олишиб, жон таслим қилди. У эндигина 32 баҳорни қаршилаган эди. Ўша куни кўзининг оку қораси, ёлғиз ўғли, суянган тоғидан айрилган ота-онаси ва нима бўлганини тушунмай чирқиллаб қолган фарзандларининг ҳолатини тасвирлашим қийин.

Айниқса, қадди букилиб қолган Мирсоат акамнинг: "Энди мени ким кўмади, болам?" деб бўзлаши, онаизо-

ри Сайёра опанинг телбанамо фарёди оламни титратди. Маросимда қатнашганлардан йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам.

Фарҳоднинг орзулари кўп эди. Фарзандларини жондан ортиқ кўрарди. Ота-онаси ва опаларини ер-у кўкка ишонмасди. Ҳамманинг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Унинг бошлаган кўп ишлари ва режалари поёнига етмай қолди.

Лекин вақт ўтаверар экан, фарзандлари улғаймоқда, кечаги ниҳоллар ҳадемай ҳосил беради. Ўғлинг Хондамир ҳозир мактабни юқори синфида ўқияпти. Феъли, бўйи-басти худди отасини ўзи. Фарҳод орзу қилган ва бошлаган ишларини амалга оширади деб умид қиламан.

Вафодор умр йўлдоши, суюкли фарзандларининг онаси Дилфузага, Мирсоат акам ва келинойим Сайёра опаларга сабр-тоқат тилаб, Фарҳоднинг ётган қабри нурга

тўлиб, охирати обод бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламан.

Ҳар йили биз қариндош-уруғлар, Фарҳоднинг ёру дўстлари унинг туғилган кунини нишонлаш учун йиғилар эдик. Яқинда ҳам ушбу хонадонда йиғилиб, уни хотираладик. Ҳаётдан бевақт кетган жиянимнинг қолган умрини Аллоҳ фарзандларига кўшиб берган бўлсин. Унинг қабри устига майор формасида тушган сурати туширилган қабр тоши қўйилган. Ҳар сафар зиёрат учун қабристонга борганимда ҳаётдан эрта кетган жигаримнинг нимадир демоқчи бўлгандек маъносини кўриб кўнглим бўша-шади.

Уни ниҳолга ўхшатаман, чунки кўз ўнгимда униб-ўсди, улғайди, ички ишлар идораларининг жонкуяр ва фидойи хизматчиси бўлиб етишганди. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин.

Беихтиёр Муҳаммад Юсуфнинг шеъри ҳаёлимдан ўтади:

**Асо тутмиш қанча қадди дол,
Мен бир кучга тўлган навниҳол,
Отам мени кўмар, эҳтимол,
Худо билар ким олдин кетар.**

Мирхон МИРАХМЕДОВ,
истефодаги подполковник.

Суратда: марҳум Фарҳод Мирахмедов умр йўлдоши Дилфуза, фарзандлари Ширин, Хондамир ва Шаҳноза билан.

Хизматларда

Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликларни аниқлаш билан бирга содир этилган турли жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширишмоқда.

БОШҚА ЖИНОЯТЛАРНИ ҲАМ ОЧИШЯПТИ

Жумладан, шу йилнинг 7 май куни "Навоийазот" корхонаси яқинидаги чорраҳада ЙПХ отряди инспекторлари Х. Уринов ва И. Рўзиевлар "Мерседес-Бенц" русумли автобусни тўхтатиб кўздан кечирди. Шунда йўловчилар. Ш. Холиқов, З. Усмонов ва Р. Тиллаевлар ўзаро тил бириктириб автобус юкхонасида оғирлиги икки ярим тонна бўлган рангли металлари сотиш мақсадида Қозоғистон Республикасига олиб кетаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Навоий шаҳар ИИБга топширилган.

Ходимларимиз аҳолининг осойишталигини таъминлаш, мол-мулкни асраш борасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жорий йилнинг 11 майга ўтар кечаси Кармана тумани Маликрабоб кўрғонига яшовчи Қаҳҳор Йўлдошев дала ҳовлисидаги молхонасидан номаълум шахс-

лар жами 1800000 сўмлик 6 бош қорамолларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилди. Ушбу ҳолат юзасидан. ЙПХ отряди сафарбарлик гуруҳи сардори Б. Ҳалимов, инспектор А. Ҳайитов ва Кармана тумани ИИБ ходимлари ўзаро ҳамкорликда олиб боришган қидирув ишлари ўз самарасини берди. Қидирув натижасига кўра ўзгалар молига кўз олайтирганлар Кармана туманида туғилган Ж. Асрор ва унинг ўқаси эканлиги аниқланди. Улар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Ҳозирги кунда ходимларимиз ҳушёрликни янада ошириб, белгиланган тартибда иш олиб боришмоқда. Ҳамкасбларимиз юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда хизмат қилмоқдалар.

Валижон АШУРОВ,
Навоий вилояти ИИБ ЙХХБ инспектори, капитан.

Менинг фикрим

АЁЛ ТИФ КЎТАРСА...

Аёл. Табиат инъом этган нозик дид, шу билан бирга метиндай ирода, сабр-тоқат уни асрлар давомида улуглаб келмоқда. Донолардан бири аёлга урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт, деган экан.

"Постда" газетасининг 10-сонида "Навбатчилик хабарлари" руқни остида берилган "Бад-феъллик оқибати" мақоласини ўқиб қолдим. Унда бир аёлнинг маст ҳолатда жиноят содир этгани ҳақида ёзилади. Наҳотки, аёл шундай улуг зот ичкилик ичиб, турмуш ўртоғига тиф кўтарса?!

Февраль ойининг сўнги ҳафтасида ИИБ Академиясида таҳсил олувчи опам гуруҳдош қизлар билан ўқиш юзасидан маҳкум аёллар муассасасига бориб келди. Уйга келгач, таассуротларини гапириб берди.

— Аёллар муассасасига кириб борар эканман, ўзимда ноодатий бир ҳисни сездим, — деди у. — Тезроқ кириб, улар билан суҳбатлашгим келди. Мени маҳкумалар қандай жиноят содир этиб бу ерга тушишгани ҳамда нима сабабдан шу қилмишга қўл уришгани қизиқтирар эди. Шу мақсадда бир аёлнинг ёнига бориб, унга ўзим қизиққан савол-

ни бердим. У бир оз ўйланиб тургач, оҳиста сўзлай бошлади.

— Турмуш ўртоғим билан севишиб турмуш қурганмиз. Лекин отам бу никоҳга қарши эди. Сабаби, мен ўзига тўқ оиланинг яқкаю ягона қизи, у эса оддийгина, ўрта ҳол оиланинг фарзанди. Қайсарлигим боис ноилож кўнишди. Тўй ҳам бўлди. Орадан икки-уч ой ўтгач пул масаласида турмуш ўртоғим билан тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолдик. Ёшлигимдан яхши яшашга, чиройли кийинишга ўрганиб қолган эдим. Турмуш ўртоғим ишдан қайтганда шуларни айтиб йиғлардим. У эса жаҳли чиққанини билдирмай: "Сабр қилсанг ҳаммаси жойида бўлади", — дея жавоб берарди. У босиқлик қилган сари мен авжига чиқардим. Охири: "Қанақа одамсиз, сиз ҳам бошқа эркалар каби кўп пул топсангиз бўлмайдими? Қачонгача шундай юрасиз?" — деганимда

у юзимга тарсаки туширди. Сўнг эшикни тарақлатиб ёпиб кўчага чиқиб кетди. Қайтиб келганида бир оғиз гапирмади. Аста-секин оиладан, эримдан кўнглим совий бошлади. Сабабини ҳеч кимга, ҳатто уйимдагиларга ҳам айтма эдим. Пул топишининг осон йўлини ва шу ишни амалга оширишда менга ёрдам берадиган шерик ҳам топдим. Шу мақсадда бозорга бордик. У ерда бир автомашинани кўз остига олиб, пайт пойлаб ўғирлаётганимизда эгаси келиб қолди ва қаршилик кўрсата бошлади. Менга ташланаётганда шеригим орқасидан келиб қўлидаги тош билан бошига туширди. Шунда мен қўлимдаги пичоқ билан унинг кўкрагига урдим, ўзини итариб юбориб машинани ҳайдаб кетдик. Йўлда кетаётиб қўлга тушдик. Ҳозир афсусдаман. Опам сўзини тугатар экан, ўйланиб қолдим. Турмуш ўртоғининг дилини оғритган, бегуноҳ бир инсоннинг қонини тўкиб, ўз бахтига ўзи зомин бўлгани аёлнинг қилмишини қандай изоҳлаш мумкин. Бунга сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Севара СОДИҚОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети I курс талабаси.

Бола азиз, одоби ундан азиз

Кеча аяси кўрпаларни қуёшга ёйгандан кейин яхши тахламаганми Нодир хонага кирганида улар ағдарилиб ётарди. Йиқилган кўрпалар ичидан чиқиб қолган ўроғлиқ нарса боланинг диққатини тортди. Очиб қараса – пул.

Хар гал адаси Тошкентга олиб бораман, ҳайвонот боғини кўрсатаман, боғларда сайр қилдириб, каруселларда учираман, деб алдагани алдаган. Ўртоқларининг ҳаммаси буларнинг барини аллақачон кўриб бўлишган, компьютерларда турли ўйинларни ўйнашни билишади. Атайлаб туман марказига бориб ўйнаб келадиганлар бор. Фақат Нодиргина адасининг неча маротаба ваъда беришига қарамай, ҳали бирор марта ҳам уларни кўрмаган. Билгани – дала, кўй, мол. Уйда эса кўйга қара, молга қара, ўт юл, ўт сол, ем тайёрла, сув бер, хашак бер, тагини тозала... Жонига тегди. Мана бу пулларга ўзиям бемалол айланиб келса бўлади.

У шундай ўйлар билан ўроғлиқ пулларни чўнтагига тикди-да, кўчага чиқди. Ўртоқлари ва адасидан эшитгани бўйича автобус шоҳбекатида етиб олди.

– Автобус Тошкентга боради, тўртта одам чиқса кетамиз, Тошкент... – деб бақариб турарди бир киши.

Нодир Тошкентга бориш осонлигидан қувониб кетди. Тошмат ака уни кўраркан “бу ёқларга ким билан келдинг, нима қилиб юрибсан, қаёққа кетаяпсан”, деб сўрамади. “Э, маҳалланинг боласи-ку”, деб кўнглидан ўтказиб қўя қолди. Ҳозир сўроққа тутиб, йўлимдан қайтаради, деб хавотирланган Нодир унинг бепарво ёнидан ўтиб кетганини кўриб анча тинчланди. Автобусга лип этиб чиқиб, орқа ўриндиқлардан бирига жойлашди. Ширин хаёллар оғушида, автобуснинг бир маромда “аллалашидан” ухлаб қолди.

Манзилга етиб келгач, Нодир катта-катта сумка кўтарганлардан бирининг сумкасини олиб тушаркан ҳайдовчи пул санаш билан овора бўлиб, уни пайқамади. Шоҳбекатда қаёққа боришини билмай боши қотиб турган болани оғир сумкалар кўтариб келаётган тарих ўқитувчиси Муаззам опа ҳам кўрди. Муаллим бўла туриб қолган нарса кўтариб, букилиб юрганидан уялдим, ўқувчисини кўрмаганга олди.

Сершовкин, серҳаракат, рангбаранг манзаралар жилосидан Нодир ўзини йўқотиб қўйди. Ёнаторфга аланларкан режалари хаёлдан кўтарилди. Ҳайвонот боғи эсидан чиқиб, ўзига чорлаб турган компьютер ўйинлари хонасига кирди. Компьютерни бошқара олмай турган кишлоқи йигитчани дарҳол пайқабган Аббос мулоимлик билан унга яқинлашди.

– Укагинам, бир шаҳар айланай дебсанда-а? – деди у.

Нодир нўноқлигидан хижолат чекиб, қизариб кетди. Аста бошини лиқиллатди.

– Ке, ўйнашни ўргатаман.

Нодир ўрнини унга бўшатди. Аббос кўлига “сичқонча”ни оларкан “мана бундай, мана бундай қиласан”, деди-ю, шу ўтирганча ўтираверди. Компьютер эгаси шаҳарлик айёр ўсмирни келганларга мақтаркан:

– Анавини қаранглар, биттасини уч соатдан бери “лох” қилиб ўтирибди, – дерди кулиб.

Аббоснинг устамонлиги бошқаларнинг ҳавасини келтирар, Нодирга ҳеч ким ачинмаётганди.

Уйнавериш чарчаган Аббос:

– Менга қара, укажон, қаердансан? – деди. Жавобини ҳам

энди. Ундан қайта-қайта гапириб беришни сўрашади. Бу жуда зўр иш бўлди-да. Унинг юраги ҳаприқиб, тезроқ айтилган манзилга шошира бошлади. Овқат устида Аббос “диснейленд”даги чархпалаклар, аллабало хоналар ҳақида тўлқинланиб сўзлар, адаси булар тўғрисида шунчалик батафсил гапириб бермагани боис, Нодирга ҳаммаси эриш туюларди.

– Сен музқаймоғингни еб ўтириб тур. Мен югуриб бориб аямдан пул олиб келаман, – деди Аббос. – Уч секундда ёнингда бўламан.

Кизик, шаҳарда куни билан бир жойда мих қоққандек ўтирсанг ҳам биров “нега ўтирибсан” деб сўрамас экан. Ҳеч ким қармасканам. Одамлар тўп-тўп бўлиб келади, яна тўп-тўп бўлиб кетади. Бировнинг биров билан иши йўқ, сўрашмайди. Кишлоқда-чи, ҳамма бир-бирини таниган, саломлашган...

Кута-кута Нодирнинг тоқати

тавба, ё тавба! Бунга ишониш қийин. У ўғлининг бу қилмишини ақлига сиғдиролмас, қандай ўйга боришни билмай гаранг эди. Ё далада юрганида бирон ёмон одамнинг алдовига учдимикан? Ўртоқлари айтганмикан? Ўғлининг ҳали ўт ташиган, ҳали мол-ҳолга қараган, ҳали томорқага ёрдамлашган, тиним билмаганини ўйлаб, оғир меҳнатдан эзилиб қочиб кетган, деган ўйга ҳам борди. Ўйлаб қараса, катта бир одамнинг ишини қилиб юрган экан, бечора. Орада бозор-ўчар ҳам кичкина елкасига ортилиб қоларди. Ундай деса, бир оғиз меҳнатдан солимаган эди-ку! Шўрликкинам ичига ютиб келаётган экан-да. Биз ношудлар индамаяпти, эпляпти-ку, деб яна, яна иш буюраверибмиз. Вой, болам-ай, нега бир оғиз айтмадинг? Кўзим қаёқда экан мени...

Ҳаммасига отаси айбдор. Иш буюравериб кўзини очирмайди. “Ўғил бола, меҳнатда қотсин. Оқбилак қилиб ўстирма!” деб койигани-койиган. Алдагани бола яхши, деб ваъдаларни бераверди, бераверди, мана оқибати. Агар болажонига бирор қор-ҳол бўлса, бир кун ҳам бу уйда яшолмайди.

Уйга кириб келган Фани ака воқеани эшитиб лол қолди. Хотинининг таъна-дашномларига жавобан;

– Сен эркалагансан болани. Сен буздинг, – дея аввалига Ойхолни сўқди. – Товуқ мия бўлмасанг, пулниям кўрпа орасига тикасанми? – Эшитганлар нима дейди?! Ўз уйдан боласи пул ўғирлабди деган маломатдан қандай қутуламиз. Менга ўғри фарзанднинг кераги йўқ!

Эр-хотин жаҳлдан тушишгач, аввал қариндош-уруғлардан сўраб-суриштиришни, мабодо топилмаса, ички ишлар идорасидан ёрдам сўрашга аҳд қилишди.

Эртаси куни оқшомга яқин икки ходим кузатувида Нодир уйга кириб келди.

Фани ака уни роса дўппосламоқчи эди. Аммо айб ўзида эканлигини билиб ҳовуридан тушди.

Тонгда кўй етаклаб кетаётган кўшнисини кўрган Фани ака:

– Йўл бўлсин, кўшни, бозоргами? – деб сўради.

– Ҳа, шу савлини сотиб, болаларимни бир пойтахтга олиб бориб ўйнатиб келай.

– Жуда яхши ўйлабсиз-да. Шуларни деб юрибмизда бу дунёда. Илоё, савдонгизнинг баракасини берсин.

– Айтганингиз келсин.

Тошмат ака бозордан чиқаётганида Фани ака ичкарига кўй етаклаб қираётганди.

– Э, Фанижон, йўлимиз бир экан, айтмадингиз ҳам. Гурунглашиб келардик.

– Бундоқ ўйлаб қарасам, сизга ҳавасим келди. Кел, шу молдунё болаларимнинг кулгу-шодлигидан азизим, деб сиздан ўрнак олишга жазм қилдим. Болаларимнинг кўргани, ўргангани, билгани буларнинг юзтасидан афзал экан. Худо бераман деса ҳеч гап эмас. Бунинг ҳам ўрни тўлиб қолар.

Икки кўшни мамнун хайрлашишди...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ХАЁТ

Зўр муаллим



кутмай:

– Қорнинг ҳам очиб кетгандир, юр, овқатланамиз, – деркан болаканинг елкасига кўлини ташлаб, ўйинхонадан олиб чиқиб кетди.

“Ҳозир шўрликни роса туширади-да бу зангар” кўнглидан ўтказди компьютер эгаси.

– Қани, қанча пулинг бор ўзи? – қаҳвахона эшиги олдида тўхтаб сўради Аббос.

Содда бола чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Аббос пулларни олиб санаган эди, йигирма уч минг чиқди.

– Мана бу пулни кетишингга олиб кўй! У меҳрибонлик билан уч мингни узатди. – Гап бундай. Ҳозир овқатланамизда, бозорга борамиз. У ерда аям ишлайди. Мен пул оламан аямдан. Ахир сенинг пулингга айланмаймиз-ку. Бу пул бир ўзингга етмайди. Ҳар ҳолда сен меҳмонсан. Так, биринчи галда ҳайвонот боғига борамиз. Кейин “диснейлендга”; кейин телебашняга...

– У нима?

– У телевизорга кўрсатув узатадиган жой. Айланиб турадиган қавати бор, бутун шаҳарни кўрсанг бўлади.

Нодир ҳали ўртоқларидан бирортаси телеминорада бўлмагани, у биринчи бўлиб у ерни кўришидан севиниб кетди. Ўртоқлари анграйиб қолади

тоқ бўлди. Бозорга кирди. Тумонат одам. Аббосни қаердан топади? У сандироқлаб-сандироқлаб яна бекатга келди. Умидсизлик, бегона жой, бегона одамлардан кўрқиб йиғлай бошлади. Шунда одамлар эътибор беришди. Бир аёл қаердан, ким билан келганини суриштирди-ю уяли телефони орқали ички ишлар идорасига кўнғироқ қилди...

...Бетоб қайнонасини кўргани кетган Ойхол ўғлининг сумкаси бору, ўзи йўқлигидан ҳайрон бўлди. Болалар билан ўйнагани чиққандир, деган ўйда рўзғор юмушларига уннади. Кизи мактабдан қайтиб, укасини йўқлади.

– Қайдам, далага кетгандир, ҳойнаҳой. Қара-чи, мактаб кийимлари бормикан?

Дилфуза ичкарига кирдию бир зумда қайтиб чиқди.

– Ая, кўрпалар йиқилиб ётибди.

– А-а?!

Ойхол югуриб уйга кирди. Дарров яширган пулини қидирди. У жойида йўқ эди. Она хаёлига келган биринчи фикрдан дахшатга тушди. Наҳотки ўғли – ўғри? Бу қандай кўргулик! Бозор, ювош, беғубор, ҳали она сути оғзидан кетмаган Нодир-я! Наҳот, пайт пойлаб юрган? Ё



Галина Львовна Виноградова
Шафқатсиз ўлим Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор бошқармаси ходимаси, подполковник

Галина Львовна Виноградова бевақт орамиздан олиб кетди.
Г. Л. Виноградова 1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ёшлик чоғлариданоқ у тенгқурлари орасида тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турди ва шу хусусиятлари туфайли даставвал ўрта мактабни, сўнгра эса Тошкент Давлат автомобиль йўллар институтини имтиёзли баҳоларга тамомлади.

1982 йилда Г. Л. Виноградова ўз тақдирини ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан боғлаб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор бошқармасига ишга қабул қилинди ва шу ернинг ўзида муншийхона ходималигидан, ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакил лавозимига бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

Сўнгги вақтларда у вазирлик Тезкор бошқармасининг шахсий таркиби билан ишлаш тизимида самарали меҳнат қилиб, бу борада катта тажриба орттирди ва бор куч-ғайратини ёшларни тарбиялаш ишига сарфлади. Ўзининг камтарлиги, самимийлиги, хизматдошларига нисбатан меҳрибонлиги билан жамоада катта хурматга сазовор бўлди.

Олижаноб инсон, ажойиб ходима Г. Л. Виноградованинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

<p>Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Лискент тумани ИИБ бўлими бошлиғи, майор М. Фисёвга қизи НОДИРАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ИХХБ бўлим бошлиғи, подполковник С. Абсатторовга синглиси ШОЙНИСА АБСАТТОРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истефодога майор ЭРГАШБОЙ ОТА ТОШБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгиқўрғон тумани ИИБ бошлиғи, подполковник О. Эргашевга падари бузруквори ЮСУФЖОН ОТАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>	<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Норин тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант ҲАСАНБОЙ ЙЎЛДОШЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.</p>
---	--	---	--	---

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Таътилнинг биринчи куни

А.Кенжаев олган сурат.

Бир куни...

ФИРИБГА ҚАРШИ ҲИЙЛА

Хорижга ишга юбораман дея, одамларни алдаб, чув тушириб кетаётган фирибгарлар ҳақида кўп ёзилапти. Бироқ сохта фирма очиб, одамларни алдаётганлар ҳамон учраб турибди. Асли янгийўллик бўлган Бекмирза, Лариса исмли корейс аёл билан танишганда бошидан доллар ва сўмлар лайлақор каби ёғилаётгандек ҳис этди. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Лариса корейс тилида ёзилган аллақандай сохта ҳужжат билан ўзини Корея Республикасидаги фирма вакили деб таништиради. Бекмирза эса ана шу вакилнинг Тошкентдаги ишончли ходими сифатида иш бошлади.

Ҳаш-паш дегунча хорижда ишлаб катта даромад олишни орзу қилганлар навбат билан кела бошлашди. Ким доллар, ким сўмни тахлам-тахлам қилиб кўш-қўллаб келтиришарди.

Хар бир ишнинг охири бўлади, албатта. Пулни қуртдай санаб берганлар Кореяга жўнашни кута-кута тоқатлари тоқ бўлади. Айтилган муддатнинг чеки кўринмагач, чув тушганини англаб етганлар ариза кўтариб ички ишлар идорасига йўл олишди. Бундан хабар топган Бекмирза билан Лариса "Фирма"ни ёпиб яширинишди. Улар қидирила бошланди.

Аввалига биз Ларисани қўлга олдик. Тергов жараёнида айрим маълумотлар аниқлангач, ундан тилхат олиб қўйиб юборилди. Гарчи Лариса Бекмирзани қаердалигини билмайман деган бўлса-да, учрашиб туришига шубҳа йўқ эди.

Шундоқ ҳам бўлди. Биз ҳар икковига бироз "танаффус" бериб, қидирувни тўхтаб турдик. Кейин Ларисани кузата бошладик. Катта бозор олдидаги автобус бекатида аёл нақ икки соат турди. У келиб тўхтаган автобусларга чиқмас, безовталаниб, соатига қараб кўярди. Ниҳоят, эски русумдаги "Запорожец" автомашинасидан Бекмирза тушиб келди.

Букрни гўр тузатади, деганларидек, улар хуфёна тарзда яна одамларни "хориж"га юборишаётган экан. Ишончли одамлар иштирокида ўзимизни чет элга ишга борадиган мижоз қилиб кўрсатдик.

— Нақд доллар берсанглар, иш тез битади, эртагаёқ жўнаб кетасизлар, — деди Бекмирза.

— Биз ҳозирок тўлаймиз, — дедим унга ва ёнимдан АҚШ доллари купюраларини чиқардим.

Бекмирзанинг кўзлари ёниб кетди ва пулни олганда қўлига кишан солдик.

Равшан СУЛТОНҲУЖАЕВ,
капитан.

Ҳаёт лавҳалари

"МЕН БИЛГАН ЙИГИТ МАГРУР ЭДИ..."

Дилором қишлоғига бурилган машинани тўхтатди. Анча нарига бориб тўхтаган машинага томон илдам юраркан, орқароқда келаётган ўглини шоширди:

— Тезроқ юр, Музаффар!

У машинанинг орқа ўриндигига ўтирди. Сурилиб, ўглига жой бўшатаркан:

— Йўлимиз ўнг бўладиган бўлди-да, Музаффар, — деди севиноиб.

Шу пайт... олдинги ўриндигида букчайиб ўтирган йўловчи бошини илкис кўтариб, орқасига қаради. Ундан ичкиликнинг бадбўй ҳиди келар, сочлари ўсиб пахмайиб кетган, маъносиз кўзлари кип-қизил эди.

— Дилором?..

Бу таниш, жудаям таниш овоз Дилоромни сескантириб юборди. Бир пайтлар у бу овозни ўнлаб, юзлаб овозлар орасидан осонгина ажрата олар, шу овозни эшитганида юзи ним қизарар, қўллари сезилар-сезилмас титрарди.

Йўловчига хайрон бўлиб қараб турган Дилоромнинг кўксидан ожизгина нидо отилиб чиқди.

— Сиз... сиз... Музаффар ака?!..

Алам, изтироб, соғинч ҳамма-ҳаммаси жамланган эди унинг овозида. Ортиқ тиллар айланмай қолди. Нигоҳлар бир-бирдан унсиз ўпкаладилар.

"Дилором, сенсиз ҳолим не кечишини кўрдингми, айтгандим-ку сенга!"

"Ким сизни бу куйга солди, севгилим? Ким бизни бу куйга солди? Мен сизга ўхшасин, деб ўғлимга исмингизни қўйгандим. Йўқ, йўқ! Ўшамасин! Сизга ўшамасин! Мен билган Музаффар бошқа эди, у мағрур эди... У иродали эди..."

Асолат АҲМАТҚУЛ қизи.

Энига ва ёйлар бўйича: 1. Самарқанд шаҳрининг қадимий майдони. 6. Марказий Осиёдаги водий. 28. АҚШдаги дарёга номдош штат. 29. Мураккаб механизмларни бошқарувчи юқори малакали ишчи.

Бўйига ва ёйлар бўйича: 1. Том ёпиш ашёси. 6. Танзания таркибидаги орол. 18. Европача таом тури. 20. Нашр учун масъул ходими, ижодкор.


Энига: 7. Сувсевар дарахт. 11. Кириллик клуби номини олган футбол жамоа. 14. Жануб хўл меваси. 15. Таниқли авиаконструктор. 196. Қандалотчиликда ишлатиладиган кўпиклантирувчи илди. 17. Франциядаги порт шаҳар. 21. Савдо-сотик ишлари мажмуи. 22. Ташландиқ ерларда ўсувчи ёввойи ўт. 23. Сицилия оролида жойлашган амалдаги вулкон. 27. Институт хонаси.

Бўйига: 3. Вақт ўлчови бирлиги. 4. Ҳарбий денгиз кучлари. 8. Ўзбек халқ мақоми. 9. Германиядаги порт шаҳар, маъмурий марказ. 10. Узунлик ўлчови бирлиги. 12. Форс-тожик мумтоз шоири: "Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлмас устун" ҳикматли мисралари муаллифи. 13. Таом пиширишда фойдаланиладиган, керосин билан ишловчи асбоб. 19. Саноат ва табибатда ишлатиладиган кислота тури. 24. Дурадгорлик маҳсули, рўзғор буюми. 25. Бирор иш юзасидан қилинадиган таклиф.

Ёйлар бўйича: 2. Давлат рамзи. 5. Европа қатъасидаги дарё. 26. Ҳорижий валюта. 30. Чин, ҳақиқат.

Фозилжон ОРИПОВ.

КРОССВОРД



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Иброҳимов. 2. Обуна. 3. Насаф. 4. Арафот. 5. Трос. 6. Акробатика. 7. Лакмус. 8. Мох. 9. Рус. 10. Зот. 11. Али. 12. Шер. 13. Реле. 14. Сардоба. 15. Ралли. 16. Мотор. 17. Масал. 18. Пот. 19. Пи. 20. Шашка. 21. Адо. 22. Адл. 23. Тобланиш. 24. Нур. 25. Луанда. 26. Арз. 27. Драл. 28. Каср. 29. Назм.

Бўйига: 1. Интизом. 2. Панд. 3. Барлос. 4. Дур. 5. Соат. 6. Агтор. 7. Аскар. 8. Опал. 9. Фа. 10. Мадрид. 11. Уй. 12. Ит. 13. Кулол. 14. Шлак. 15. Марс. 16. Ибрат. 17. Ором. 18. Шамшод. 19. Вабо. 20. Ер. 21. Акбар. 22. Фахр. 23. Асал. 24. "Ан". 25. Ботир. 26. Лапар. 27. Тире. 28. Линза. 29. Никулин. 30. Рим. 31. Ака. 32. "Сегох". 33. Шам.

Криптограмма: **Кишининг бахти — бел, билаги.** (мақол).

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИВ
БИРЛАШГАН
ТАҲРИРИЯТИ**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari
**Erkin
SATTOROV**
Mas'ul kotib
**Rahmatilla
BERDIYEV**

Navbatchi
**Sadriddin
SHAMSIDDINOV**
Sahifalovchi
**Zokir
BOLTAYEV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001289. Hajmi — 6 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. 52282 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan
olinganligini ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi tahririyat
fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar,
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi
uchun mualliflar javobgardirlar.
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi
va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yalqin tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 306
Gazeta haftaning payshanba
kuntari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
© — Internet va xorijiy
matbuot vositalari asosida
tayyorlandi.